O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 13-oktabr, chorshanba ● № 43 (692) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ПАРВОЗИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, «ШАЛОЛА»!

"Шалола"ни варақларканман, "Ёш рассомлар ижодидан" рукнида чоп этилган ишларни кўриб, беихтиёр завқланиб кетдим. Болакайларнинг беғубор қалб билан дунёни самимий идрок этишга, ўз йўли, услубини топишга интилиши, ранг танлашдаги эмин-эркинлиги, бетакрорлиги алоҳида таҳсинга сазовордир.

⇨ 4-бет

ОДАМИЙЛИК КАЛИТИ

Аслини олганда Ватанингни мустақиллик довонларидан мардона, ўзига хос шаҳд ва матонат билан ўтиб бораётганига гувоҳ бўлиб яшашнинг, шу мамлакатнинг оғирини енгил қилишга, унинг йўлида ғов бўлаётган бир хасни бўлса-да, олиб қўйишга ярашнинг ўзи жуда катта бахт.

⇨ 7-бет

ҒЎБДИНТОҒ

У улкан қояга чиқиб, қалбини жунбушга келтирган сирли туйғуларни қўшиққа кўчиради. Ва олисдаги қишлоқларга, бепоён кенгликларга, рўпарасидаги тоғ ўркачларига қараб, ўзи идрок этмаган ҳолда мана бундай куйлайди:

Сен агар буғдойбошоқ бўлсанг,
сомонингман ВАТАН,
То абад бошинг омон бўлсин,
товонингман ВАТАН!

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- **7 октябрь куни "Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинди.**

- 11 октябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрган Швейцария конфедерацияси Федерал йиғини Кантонлар кенгашининг ташқи сиёсат масалалари бўйича комиссия раиси Эжен Давид раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

  Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2010 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

- Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Чехия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.

ИФТИХОР

СУРУРЛИ МЕҲНАТ САМАРАСИ

XXI аср дунёда ўзининг долғали воқеалари билан тарихда қолади. Олам аҳли бошидан кечираётган ташвишу ғамлар, қувончу муваффақиятлар яхлитлигича мозийнинг мулкига айланиб боради.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари халқимиз манфаатларига хизмат қилаётгани билан тарих зарварақларини безаши шубҳасиз. Президентимиз Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида асримиз бошида олам аҳли рўбарў турган, айни пайтда кечиктирилмай ҳал этилиши лозим бўлган ниҳоятда долзарб муаммоларни бирма-бир таъкидлаб, хусусан, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига оид масалалар ҳақида ҳам гапирди. Чунончи, мазкур маърузада тобора йўқолиб бораётган Орол денгизи акваториясининг 7 баравар қисқариб, сув ҳажми 13 баравар камайгани, унинг минераллашуви эса ўнлаб бараварга ошгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари яқинда қорақалпоқ заминида бўлган учрашувда бу долзарб масалага яна бир бор эътиборни қаратди.

— Орол тақдири — миллион-миллион инсонлар тақдири демакдир, — деди Ислом Каримов. — Шундай экан, биз ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги учун курашмоғимиз зарур.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ халқимиз ўз тақдирини, фарзандларимиз келажагини барпо этиш учун ўзи масъул эканини уқтириб: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам ҳам бўлмаймиз", дея даъват этиб келади.

Халқимиз ноқулай иқлим шароитларига қарамай, ўз тақдирини матонат ила ўз қўллари билан яратмоқда. Ўтаётган йигирма йил давомида Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилган ички ва ташқи сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари — муқаддас қадамжоларимизнинг тикланиши, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободонлашуви, йўллар, кўприклар, меҳмонхоналарнинг қад ростлаётгани, хуллас, халқ турмуши фаровонлиги йўлида яратилаётган барча моддиятимиз бугун дунё халқларининг кўз ўнгида мамлакатимизнинг юзи бўлиб турибди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган йиғилишдаги нутқида дунёнинг мавжуд муаммолари устига молиявий инқироз ҳам балодай ёпирилгани, мамлакатимизда унинг таъсиридан беталафот чиқиш йўлида белгиланган чора-тадбирлар хусусида ҳам батафсил тўхталди. Мазкур нутқда келтирилган мисоллар мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ танланган йўлнинг нақадар тўғрилигини яна бир бор исботлади. Эзгу мақсадлар умидида босилаётган бирорта қадам бесамар кетмайди, албатта.

Юртбошимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузли минбарида туриб баралла: "Мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз моделимиз, иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда", — деганларида келажаги буюк давлатнинг бугунига гувоҳ бўлиб турган замондошларимизнинг қалби яна бир бора ифтихорга тўлди.

Шу кунларда юртимиз далаларида пахта усталарининг ўз қўллари билан яратган миллий бойлиги — пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш кўтаринки руҳда давом этмоқда. Бу йилги ҳосилнинг чўғи ҳам, сифати ҳам ўзгача. Уни йиғиб-териб, шартномавий режаларни кетма-кет бажараётган фермер хўжаликлари, туманлар кетидан вилоятлар ҳам ўз карвонларини ғалаба марралари сари бошлаб келмоқдалар.

Деҳқон йил бўйи тер тўккани эвазига кузда хирмони ҳам, кармони ҳам тўлиб, хонадонига қутбаракани олиб киради. Бу йилги барака мўл-кўл ғалла етиштиришдан бошланди. Хонадонларда буғдой ҳам, чорва учун сомон ҳам мўл бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

АЖОЙИБ КАСБ ЭГАЛАРИ

ПОЧТА ҚУТИСИДАГИ ДУНЁ

Инсон яралибдики, бир-бири билан ахборот алмашиш, сўнгги янгиликлардан бохабар бўлишга эҳтиёж сезиб келган. Қолаверса, қадим замонларда бирор муҳим хабар ёки ҳукмдорнинг амру фармонини мамлакатнинг нариги чеккасида умр кечираётган аҳолига етказиш зарурати ҳам мавжуд эди-ки, юртда бусиз тартиб ўрнатиш анча мушкуллик туғдирарди. Шу ва бошқа кўплаб омиллар ўзига хос алоқа тизимини — замонавий тил билан айтганда, почта хизматининг ташкил топишига замин яратган десак, янглишмаган бўламиз.

Почтанинг пайдо бўлиши ва асрлар оша ривожланиши ўзига яраша бой тарихга эга. Маълумотларга қараганда, Шарқда, шунингдек, Марказий Осиёда почта алоқаси эрамиздан аввалги V-VI асрлардаёқ мавжуд бўлган. Ҳудудлар ўртасидаги ахборот алмашувлари ўзига хос қулай қатнов йўллари мавжудлиги туфайли тезкорлик билан амалга оширилган. Бу йўлларда карвонсаройлар, сардобалар қурилиб, улар махсус соқчилар томонидан мунтазам равишда қўриқланган. Чопарлар асосан шоҳларнинг фармонларини, хат-хабарларини бир манзилдан бошқа манзилга етказиб турганлар. Маълум бир йўналишда кетаётган сайёҳлар, савдогарлар эса карвонсаройлардаги махсус жавонларда қолдирилган мактубларни кўрсатилган манзилига олиб бориб берганлар.

3 »

ОБУНА – 2011

Қадрли юртдошлар!

"HURRIYAT" газетасининг азиз муштарийлари!

"HURRIYAT" — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчиси, мамлакатимиз ҳурриятининг сарҳил мевасидир!

Хабарингиз бор, 2011 йил учун обуна давом этмоқда. Албатта, келгуси йил ҳам "HURRIYAT"ни мунтазам ўқиб боришингизга, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишингизга ишонамиз!

УНУТМАНГ, "HURRIYAT" СИЗНИНГ ДОИМИЙ МИНБАРИНГИЗ!

Эслатиб ўтамиз: "HURRIYAT"нинг нашр индекси — 233

ТУРИЗМ

ЙЎЛЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ТУТАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 октябрь куни Оқсаройда БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош котиби Талеб Рифаини қабул қилди.

Инсон ҳаёти давомида ўзини руҳан янгилаб боради. Орзу-умидлар, янги ғоялар, эзгу мақсадлар унинг кўнглини ҳамиша ёритади, интилишга чоғлайди. Инсон табиатан доимо ана шундай — кўрмаганини кўришга, билмаганини билишга мойил. Бу уларни муттасил сафарга — саёҳатга чорлаб туради.

Маълумотларга қараганда ўтган йили 880 миллион сайёҳ ўзларининг маънавий талаб ва истакларини қондириш учун дунё мамлакатлари чегараларини кесиб ўтган. Халқаро туризмдан тушган маблағ миқдори эса 852 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Тушумнинг бир қисми, албатта, дунёда иқлим ўзгаришлари натижасида содир бўлаётган офатларни бартараф этиш ва камбағалликнинг олдини олиш мақсадларига йўналтирилади.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўртасида мавжуд бўлган сайёҳлик ташкилотларининг назари катта имкониятларга эга "Буюк ипак йўли"да жойлашган мамлакатларга юзланмоқда. Буюк ипак йўлининг барча тармоқлари эса шубҳасиз Ўзбекистонга олиб келади.

БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош котиби Талеб Рифаи иштирокида яқинда қадим Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек мадрасасида "Буюк ипак йўли" лойиҳасининг иштирокчи мамлакатлари миллий сайёҳлик маъмуриятлари вакилларининг навбатдаги 5- йиғилиши қатнашчилари таъкидлаганидек, Халқаро туризм соҳасида янги эра бошланмоқда.

3 »

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ФАОЛИЯТ

Нурафшон даргоҳ

Фарғона шаҳридаги 41-ихтисослаштирилган «Болалар боғча-мактаб» мажмуасининг ўзига хослиги шундаки, бу ерда асосий мақсад мактабгача таълим билан мактаб таълими ўртасида узвий боғлиқликни ҳосил қилишга қаратилган.

Болакай шу жойнинг ўзида боғча ёшини ўтайди. Шу даргоҳнинг ўзида мактаб таълимига тайёрланади. Ва ниҳоят, ана шу қадрдон илм масканида яна 9 йил ўрта таълим олади. Шундан сўнг қизиқиш ва қобилияти инобатга олингани ҳолда, унинг қўлига муайян касб-ҳунар коллежига йўлланма берилади. Бу йўналишнинг қанчалик афзаллиги тўғрисида кўп гапиришга ҳожат бўлмаса керак.

— Мажмуамизни ҳақли равишда даврнинг, мамлакатимиз мустақиллигининг шарофати, деб баҳолаш мумкин, — ҳикоя қилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, халқ таълими аълочиси Александра Хожаева. — Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, жумладан халқ таълими тизимида тарихий ислоҳотлар амалга оширилди. Бугунги мактаб ёки мактабгача таълим муассасасидаги фаолият жараёнлари ҳамда яратилган шарт-шароитлар шўро даврида-гидан ер билан осмонча фарқ қилади. Буни биргина бизнинг мажмуамиз мисолида ҳам кўришингиз мумкин...

Муассасадаги ўқитувчилар ҳамда тарбиячи-мураббийларнинг амалиёт бўйича ҳам, билим-малака савияси бўйича ҳам энг тажрибалилари саралаб олинган, ҳар бири эътироф ва эҳтиромга лойиқдирлар. Улар орасида бир неча педагогларнинг «Глобал таълим тренери», «Халқ таълими аълочиси» ва «Йил ўқитувчиси» деган унвонларга эга эканликлари фикримизнинг тасдиғи.

Айни пайтда мазкур мажмуа рейтинг кўрсаткичлари бўйича вилоятдаги энг пешқадам мактаблар қаторида туради. Бу ерда таълим-тарбия дастурларини муваффақиятли амалга ошириш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Синфхоналар, фан кабинетлари ва лабораториялар энг замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. 36 та компьютер интернет тармоғига уланган.

Боғча-мактаб мажмуаси жорий йилда 582 та болага замонавий усулда илм бераётган бўлса, шундан 11 та ўзбек тили ва 11 та рус тили синфлари, шунингдек, 170 нафар боғча ёшидаги болалардан иборат гуруҳлар фаолият юритмоқда.

Мажмуада фанлар ва спорт турлари бўйича 35 та тўгарак изчил фаолият юритмоқда. Уларга ўқувчиларнинг барчаси ўз қизиқишлари бўйича қатнайдилар. Бу ерда таълим-тарбия олаётганларнинг фан олимпиадаларида, спорт турларидан республика ва вилоят мусобақалари ҳамда чемпионатларида эришаётган ютуқлари чакки эмас.

Мазкур даргоҳда мақтовга арзигулик яна бир анъана ҳам қарор топган: мажмуада ота-оналар учун тез-тез «Очиқ эшиклар куни» ўтказиб турилади. Таълим-тарбия жараёнлари қай йўсинда йўлга қўйилган, ўз фарзандлари фанларни қандай ўзлаштиришаяпти, уларнинг жамоат ишларидаги ўрнидан тортиб, ҳатто овқатланишлари қай аҳволда эканига (дарвоқе, бу ердаги ўқувчилар уч маҳал бепул овқатланадилар) барчасига бевосита ота-оналарнинг ўзлари келиб, амин бўлишлари мумкин.

Ахборот технологиялари асрида биз ўз фарзандларимизни компьютердан, мобиль телефон ва телевизордан ажратиб қўя олмаймиз. Шу боис ҳам улар ўз ота-оналаридан кўра анча кўпроқ ахборотга эгадирлар. Хўш, бундай шароитда ота-оналар болаларни бизнинг ҳаётимизга, турмуш тарзимизга ёт бўлган иллатлардан асрай олишаяптими? Биз қайси анъаналаримизни сақлаб қолмоғимиз ва келажак насллар учун мўътабар мерос сифатида ўтказмоғимиз лозим? Шу каби долзарб масалалар бўйича бу маскандагиларнинг доимий диққат марказида туради.

Яқинда Фарғона вилояти раҳбарлари ана шу мажмуага ташриф буюришди. Бу ердаги қайноқ ҳаёт жараёни билан танишдилар. Мажмуани янада ободонлаштириш ва унинг моддий-техник иқтидорини мустаҳкамлашга доир қўшимча тадбирлар белгиланди. Ўқувчиларга эса «Макрософт» компаниясининг 14 та ноутбук компьютерлари ҳадя қилинди.

Мазкур мажмуанинг бугуни фарзандларимиз манглайида ёлқинланиб турган иқбол шўъласидек нурафшон, эртаси эса янаям ёркин бўлишига имонимиз комил.

Солиҳ ҚАҲҲОРОВ,
«Hurriyat» мухбири ®

СУРУРЛИ МЕҲНАТ САМАРАСИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Боғ-роғларимиз ўз миришкорларидан неъматларини аямади. Қўли гул қурувчиларимиз бунёд этган чароғон хонадонларда, боғбонларимиз етиштирган нозне-ъматлар эл дастурхонига қут-барака бўлиб қўнди. Юрт тинчлиги, орзу-умидларимизнинг эзгуликка йўғрилгани, бошлаган ҳар бир ишимизнинг аржумандлигидан далолатдир.

Шу кунларда халқимиз яна бир улкан довондан ошиб, сурурли меҳнат зафари билан юзма-юз турибди. Бугунги ҳар мисқол пахтада моддий манфаатдорлик, халқимиз хазинасини обод қиладиган истаклар мужассам.

Маълумотларга қараганда Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда олтинчи ўринни, тола экспорти бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта ўзининг сифати, толасининг мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Юртимизда жаҳон бозори талабларига асосан етиштирилаётган пахтанинг навини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган изланишлар ўз самарасини бермоқда. Бозор муносабатлари шароитида сифатли маҳсулотнинг харидори ҳамиша кўп бўлган. Шубҳасиз, мамлакатимизнинг кўпгина соҳаларда бўлгани каби пахтачиликда ҳам мавқеи юксак бўлади.

Шу пайтгача мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг натижаси мазкур янгиланишларнинг юртдошларимиз манфаатига қилаётган хизмати билан белгиланади. Илло, юртимизнинг тинчлиги, бунёдкорлик ишларининг самараси халқимиз дастурхонини обод, кўнгилларини шод этаверади.

Ў.ХАЙРУЛЛАЕВ

АНДИЖОН. Эл суйган ёзувчилар шоирлар, санъаткорлар ва маънавият ходимларидан иборат бир гуруҳ ижодий жамоа вилоятнинг Пахтаобод, Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Бўз ва Улуғнор туманларида бўлиб, теримчиларга маданий хизмат кўрсатдилар. Пахтакорлар билан учрашувлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам давом этмоқда.

БУХОРО. Вилоятда меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалиги ходимлари давлат хирмонига 342 минг тонналик ҳосил етказиб берди. Уч минг гектар майдонга пахтанинг серҳосил ва эртапишар «Наманган-77» нави экилганди. Бу ўз самарасини берди. Вилоятнинг барча туманлари ўз зиммасидаги режани ортиғи билан уддалади. Йиғим-теримда Вобкент, Олот, Ғиждувон, Ромитан тумани пахтакорлари алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатдилар.

НАВОИЙ. Навоий вилоятида саноат салоҳиятини ошириш дастурига мувофиқ жорий йилнинг учинчи чорагида 20 га яқин ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. «Навоий Евро рубероид» хусусий корхонаси шулар жумласидан бўлиб, у йилига 112 миллион сўмлик оҳак ва рубероид маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга. Умумий қиймати 325 миллион сўмлик линияни ишга тушириш учун корхона муассиси «Асакабанк» ОАТБ нинг вилоят бўлимидан 300 миллион сўмлик имтиёзли кредит олди. Бу эса нафақат ички бозорда, балки экспортга маҳсулот чиқаришда ҳам салоҳияти юксак тадбиркорлар қатламининг юзага келаётганидан далолатдир.

НАМАНГАН. Вилоят ҳокимлиги республика даврий нашрлари ҳамда ҳудудий газета ва журналларга 2011 йил учун обуна мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида 15 октябрдан 15 ноябргача бўлган даврни «Обуна ойлиги» деб эълон қилди.

САМАРҚАНД. Республика Ёзувчилар уюшмаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят Кенгаши ҳамда Ориф Гулханий уй-музейи ҳамкорлигида 1+10 акцияси ташкил этилди. Ушбу тадбирда кўплаб ташкилотлар сингари вилоят минтақавий реаблитация маркази ходимлари ҳам тадбирда қатнашиб, даволаш бўлимлари, палата ва йўлакларда гул ўстириш борасида ўзаро тажрибалар алмашишди. Тадбир иштирокчиларига Ориф Гулханий уй-музейи ходимлари томонидан кўпгина шифобахш ва манзарали гуллар тақдим этилди.

ХОРАЗМ. Урганчлик ёш сартарош Ойбек Отаев Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган «Нева қирғоқлари» халқаро гўзаллик фестивалида «Сартарошлик санъати» номинацияси бўйича тўртинчи ўринни эгаллади. Фестиваль ҳакоми унинг «Келинчак — ғунча» деб номланган соч турмагини юқори баҳолади. Бу муваффақият Ойбекка 2011 йилда Финляндияда бўлиб ўтадиган халқаро гўзаллик фестивалида иштирок этиш ҳуқуқини беради.

ФАРҒОНА. Вилоят марказидаги «Автоойна» очиқ акциядорлик жамиятида модернизациялаш, янги қувватларни ўзлаштириш ҳисобига йигирмата янги иш ўрни ташкил этилди.

Корхонанинг 700 кишилик жамоаси Асакадаги автомобиль заводи учун турли хил ойналар етказиб беради. Бу ерда жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 21 миллиард 722 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, иқтисодий ўсиш 103 фоизни ташкил этди.

ҚАШҚАДАРЁ. Ғузор тумани марказий шифохонаси таркибида «Шўртан газ-кимё» мажмуаси томонидан 960 миллион сўм эвазига янги туғруқхона мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

740 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур янги шифохонада даволаш амалиётларини бажариш учун барча имкониятлар яратилган.

НОТАРИАТ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАЁТИДАН

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ҲУҚУҚ

Республикамизда нотариал идоралар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда фуқароларга кўрсатилаётган ҳуқуқий хизматнинг сифатини яхшилаш, манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги мазкур Фармоннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Қарори соҳани янада такомиллашувига хизмат қилади.

2010 йил 14 сентябрда «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонуннинг қабул қилиниши иш кўламини янада ойдинлаштирди.

Мазкур қонунга асосан "Давлат тили ҳақида"ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Нотариат тўғрисида»ги Қонунларга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Оила, Солиқ ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, «Нотариат тўғрисида»ги Қонундаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат" тушунчасига аниқликлар киритилди.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда нотариус ёрдамчиси ва малака оширувчиси (стажёр) муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун мазкур Қонунга нотариус ёрдамчиси ва малака оширувчининг мақоми, унинг ваколатларини белгилаб берадиган алоҳида модда киритилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, «Нотариат тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишда нотариусларга қўйиладиган малака талаблари кучайтирилиб, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар нотариус бўлиши, амалиётни ўташ муддати эса камида икки йил этиб белгиланди. Шунингдек, лицензиялаш тизимидан воз кечилиб, нотариуснинг масъулиятини ошириш мақсадида қасамёд қабул қилиш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, қонунга кадрлар таркибини ҳалол ва малакали мутахассислар билан тўлдириш мақсадида нотариус лавозимига чеклашлар ўрнатилди. Жумладан, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган, касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этгани учун нотариус, адвокат, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати тугатилган шахслар нотариус бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги нормалар киритилди.

Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, нотариус қасамёдини қабул қилиш, малака комиссияларининг қарорлари устидан берилган аппеляцияларни кўриб чиқиш, шунингдек, малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида ўн бир кишидан иборат таркибда Олий малака комиссияси тузилиши, унинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Олий суднинг, Олий хўжалик судининг судьялари, нотариуслар ҳамда адлия органларининг бошқа ходимлари, адвокатура вакиллари кириши, Олий малака комиссиясининг шахсий таркиби адлия вазири томонидан тасдиқланиши белгиланди.

Бундан ташқари, нотариуснинг фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича имкониятлари кенгайтирилди. Жумладан, қонуннинг 17-моддасига қўшимча хатбошилар киритилиб, унга асосан нотариусга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш, олиш, шунингдек, давлат органларига жисмоний ва юридик шахслар номидан тегишли мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни, ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳужжатларнинг чет элда амал қилиши учун мазкур органлар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларни олган ҳолда уларни легаллаштириш учун мурожаат қилиш каби қўшимча ҳуқуқлар берилди.

Нотариусларнинг билими ва савиясини ошириш мақсадида "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси ҳам ўзгартирилди. Унга кўра нотариуснинг Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда беш йилда камида бир марта ўз касбий малакасини ошириши қайд қилинди.

Мазкур ҳужжатда давлат томонидан нотариусларнинг ҳимояси ҳам кучайтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 197^2-модда билан тўлдирилиб, унга асосан нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш, шу жумладан, нотариусга зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этмаслик ҳоллари юзага келганда ташкилот раҳбарига нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Фуқаролик кодексидаги асосий ўзгартиришлардан яна бири мерос трансмиссияси тушунчасининг киритилганидир. Яъни, агар васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига ўтиши (мерос трансмиссияси), мерос трансмиссияси тартибида меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи бундай меросхўрнинг вафотидан кейин очилган мерос таркибига кирмаслиги кўрсатилди.

Амалдаги Фуқаролик кодексида меросни қабул қилиш муддати чекланмаган бўлса-да, уни қабул қилишдан воз кечиш муддати олти ой қилиб белгиланган эди. Бу ҳолат фуқароларга анча ноқулайликлар туғдириб, меросдан воз кечиш ҳуқуқи меросни қабул қилиш мажбуриятига айланиб қолган эди. Киритилган ўзгартишларга кўра, меросхўрлар хоҳлаган вақтда меросдан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Меросни қабул қилиш муддатсиз бўлгани каби ундан воз кечиш ҳам муддатсиз бўлишига эришилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келади.

Анвар РЎЗИЕВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ЙЎЛЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ТУТАШАДИ

(Бошланиши 1-бетда.)



Бу Эранинг бошланиши Марказий Осиёда катта имкониятга эга бўлган, тарихий шаҳарлари ва қадамжолари айнан Буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган Ўзбекистон билан чамбарчас боғлиқдир.

1993 йилдан буён Ўзбекистон мазкур ташкилотга аъзо бўлиб, жаҳондаги 24 давлат қаторида ўз мавқеига эга мамлакат ҳисобланади.

Аслини олганда сайёҳлик мамлакатимиз учун янгилик эмас. Ўзбекистондаги Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Шаҳрисабз каби қадимий, бир-бирига ўхшамайдиган, меъморий ансамблари бетакрор шаҳарларимиз довруғи Европанинг Рим ва Парижидан асло кам эмас.

Асрлар давомида Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқдан Ғарбга, Ғарбдан Шарққа йўл олган туялар карвони ҳам қадим шаҳарларимиз пойига келиб тиз чўккан. Аждодларимизнинг дунё маданияти ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида эса олам аҳли яхши билади. Эндиликда мамлакатимизга сайёҳларнинг кети узилмай келиб-кетиши тайин. Чунки жаҳон ҳамжамиятида мустақил Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ортиб бораётгани, обрў-эътиборли доираларда муносиб ўрин эгаллаётгани дунё халқлари назарини тортиши, табиий ҳол.

Халқимиз мақолида таъкидланганидек, "Ҳар ишни бошлашдан аввал етти ўлчаб бир кесиш" натижасида мамлакатимизда қуриб фойдаланишга топширилган кенг ва равон йўллар, мақомига кўра дунёдаги номдор руйхатларда турадиган меҳмонхоналаримиз эндиликда бу ерга ташриф буюрадиган сайёҳларга хизмат қилмоқда. Ўтган йили мамлакатимизга келган сайёҳлар сони 650 минг кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич, 2010 йилнинг бугунигача 800 минг кишига етган. Келгусида бу кўрсаткичларнинг 1,5-2 баробар ошиши кутилмоқда. Шу боис, мамлакатимиз автомобиль йўллари янада кенгайтирилмоқда, жойларда қўшимча тарзда меҳмонхоналар қурилиши режалаштирилган. 2011 йилда Тошкентдан Самарқандгача бўлган масофани 1,5 соатда босиб ўтадиган тез ҳаракатланадиган поездлар учун темир йўл қурилиши фойдаланишга топширилади.

Маълумки, сайёҳлик тизими фақат томоша эмас, балки катта бизнес ҳамдир. Олайлик, ҳар куни дастурхонимизни безаб турган сут-қатиқдан тортиб, ёнғоғу асалгача, инсон манфаати учун хизмат қиладиган ҳамма нарса сайёҳликдан келаётган даромад манбаи ҳисобланади. Сайёҳ истеъмол қилади, ўзи билан совға сифатида бирор нарсани олиб кетади. Ҳатто олиб кетган нарсаси ҳам келажакда катта бизнесга сабаб бўлиши мумкин.

Самарқандда бўлиб ўтган анжуман иштирокчилари ҳам: "Хўш, сайёҳларни нима қизиқтиради? Сайёҳлик билан ўз бизнесини боғлайдиган сармоядорлар нималарга аҳамият беришлари керак? — деган саволларга ўз нуқтаи назарларини билдирдилар.

Дарвоқе, сайёҳларни бизнинг кўзимиз кўриб, кўникиб қолган қадимий шаҳарлар, қадамжоларни бориб кўриши бирламчи масаладир. Аммо замонавий сайёҳлик иқтисодиётни мустаҳкамлаш мақсадида сайёҳларнинг қизиқишларини ўрганиш, иложи борича хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш устида бош қотиришни тақозо қилади.

Бош котиб Талеб Рифаи соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Халқаро сайёҳлик» факультети талабалари билан бўлиб ўтган учрашувда сайёҳликни янада ривожлантириш, унинг олдида турган муҳим масалалар ҳақида гапирди.

— Ўзбекистон шаҳарлари бир-бирига ўхшамайди, одамлар урф-одатларга бой, қадриятлар кўлами кенг, — деди анжуман иштирокчиси, сайёҳликни ривожлантиришга маҳаллий имкониятларни жалб этиш бўйича амалиётчи-мутахассис Гэвин Бэлл. — Бу сайёҳликнинг ниҳоятда ривожланиши учун жуда муҳим жиҳатлардир. Сайёҳ учун нонни тандирда ёпиш жараёнини кўришдан то зардўзлар қўлининг моҳирона ҳаракатигача назар солиш, махсус ишлаб чиқарилган идишчаларга солинган бир пиёла тоза тоғ асалини ўз мамлакатига олиб кетиш ниҳоятда қизиқдир. Соҳа вакиллари уни "майин сайёҳлик" деб атайдилар. Сайёҳлик хизмати қанча соддалашса, турлари кўпайса, мавжуд турмуш тарзига яқинроқ бўлса, самара шунча кўпаяди. Пировардида маблағ мезбон томоннинг ҳисобида қолади. Сайёҳ эса ўзи ташриф буюрган мамлакатдан орттирган яхши хотиранигина олиб кетади, холос.

Эндиликда 12 минг километрга чўзилган Буюк ипак йўли бўйлаб йўлга чиққан сайёҳларнинг қабул қилиб олиш ва жўнатишни ташкил этадиган мутахассисларни тайёрлаш, ҳужжат ишлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, сайёҳликни янада ривожлантириш бўйича Марказий Осиё минтақасида мамлакатимиздагина мавжуд бўлган имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамма-ҳаммаси соҳа мутасаддиларидан катта масъулиятни талаб қилади.



Маҳбуба АЛИЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Туризм кафедраси доценти

ПОЧТА ҚУТИСИДАГИ ДУНЁ

(Бошланиши 1-бетда.)

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳам мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш, бир юртдан иккинчисига мол олиб ўтиш, савдо-сотиқни ривожлантиришга катта эътибор қаратган. Ўша даврда Европанинг Франция, Испания каби етакчи давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилингани буюк жаҳонгирнинг юрт тараққиётига нечоғли аҳамият берганини кўрсатади. Соҳибқироннинг кўплаб жанглари хорижлик ва Марказий осиёлик савдогарларни талаётган қароқчиларни қўллаб-қувватлаган давлат ҳукмдорларига қарши кечгани замирида ҳам теран маъно яширин. Негаки озиқ-овқат, тақинчоқлар, ипак матолар ҳамда бошқа турли нарсалар билан савдо-сотиқ қилган мол эгалари аввало маданиятлар алмашинувига сабабчи бўлишган, жаҳон тамаддуни тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар. Кишиларни дунёнинг нариги чеккасида яшаётган одамларнинг ўй-фикрлари, адабиёти, турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларидан бохабар қилганлар.

Ахборот алмашинувида савдогарлар, чопарлар, муншайх, мустоб, чорнавкар, отлиқ сарбон, хабарчилар, жарчилардан ташқари, махсус ўргатилган кабутарлар, итлар, от ва бошқа ҳайвонлардан фойдаланилган. Бундан ташқари, бирор хабар, маълумот ёки воқеа-ҳодиса юзасидан бир-бирини хабардор қилиш учун узоқ манзилдан кўриниб турадиган тепаликларда махсус гулхан ёқилган, бундан хабардор бўлган иккинчи манзилдаги гулаки (гулхан ёқувчи) шундай усул билан кейинги манзилга хабар етказган. Хат-хабарларни манзилга етказиб бериш учун кейинчалик махсус отлар қўшиладиган арава, фойтун, чаналардан фойдаланилган. Тарихий манбаларда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо ҳам маълумот етказишда кабутарлар хизматидан фойдалангани қайд этилган.

Ўтган йилнинг сўнггида Тошкентда «Алоқа тарихи музейи» ишга туширилди. Ушбу музейнинг экспозиция залидан соҳа тарихидан ҳикоя қилувчи 450 дан зиёд осориатиқалар, техника воситалари, ускуна ва жиҳозлар намуналари, соҳага оид қадимий, ноёб топилмалар, буюмлар, ашёлар, суратлар, китоблар, Ўзбекистон маркалари, фидойи илм-фан намояндалари ҳақидаги тарихий ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар ўрин олган.

Бугунга келиб шитоб билан илдамлаётган ахборот асримизни почтасиз тасаввур қилиш қийин. Айни пайтда бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам телекоммуникация соҳаларида хизмат кўрсатишнинг янги турлари тез сурьатлар билан ривожланиб бораяпти. Хусусан, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти тизимида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси пенсия ва нафақалар, даврий нашрларни етказиб беришда бир-бири билан ўзаро узлуксиз боғланган почта алоқаси объектлари ҳамда почта йўналишларини ўз ичига олади.

Шунингдек, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Ўзбекистон Республикаси миллий оператори ҳисобланиб, дунё мамлакатлари билан барча турдаги почта жўнатмалари алмашувини амалга оширади ва республиканинг Умумжаҳон почта иттифоқи олдидаги мажбуриятларини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси почта алоқасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири Умумжаҳон почта иттифоқининг стандартларига асосланган ҳолда жўнатмаларга сифатли ишлов беришни ташкил қилиш ва мижозларнинг ўсиб келаётган талабини қондиришдир. Шу мақсадда «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти 2006 йилнинг январида Жаҳон почта иттифоқининг халқаро молиявий тармоғи орқали IFS Light тизимига уланган.

Почта хизматлари бозорида анъанавий хизматлар, шу жумладан, ёзма хат-хабарларни, жўнатмаларни, почта пул жўнатмаларини юбориш ва бошқа хизматлар кўрсатилади. Айни пайтда жойларда почта алоқаси корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида электрон пул ўтказмалари, интернет, электрон почта, факс, ксерокопия, коммунал ва телефон тўловларини йиғиш, интернет ва телефон карточкаларини сотиш хизматлари йўлга қўйилган. Маълумотларни узатиш тармоғи орқали даврий нашрлар ва ҳар хил товарларга буюртмалар қабул қилиш йўли билан электрон савдо тизимини ташкил этиш ҳамда уларни почтанинг тегишли бўлимлари орқали буюртмачиларга етказиб беришга хизмат қиладиган «Интернет магазин» сайти яратилди. Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимизда почта хизмати самарадорлигини ошириш, мазкур соҳанинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатиладиган янги, арзон ва қулай хизмат турларини кўпайтиришдан иборатдир.

Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ почта алоқаси соҳасида фаолият юритаётган давлатлараро ва халқаро ташкилотлар билан ҳуқуқий, технологик ва молиявий алоқаларни ўрнатиш имкониятига эга бўлди. Биргина ўтган йилнинг ўзида дунёнинг 98 давлати билан халқаро почта алмашуви амалга оширилди. Энг кўп ҳажмдаги почта алмашуви Россия, Украина, АҚШ, Германия, Туркия ва Бирлашган Араб Амирликлари билан бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти бугун:

— 177 та туман ва шаҳар тармоқларидан, 2986 та алоқа бўлимлари ва 14 та минтақавий филиаллардан, 3 та ихтисослаштирилган филиал — «Халқаро почтамт», «Халқаро тезкор почта», «Ўзбекистон маркаси», почта жўнатмаларининг мунтазам равишда ташилишини таъминловчи 1 та темир йўл, 34 та авиа, 436 та автомобиль йўналишларидан иборат. Юртимиздаги почта алоқаси корхоналарида айни пайтда 15 мингдан зиёд ходим кунни-тунга улаб, фаолият юритиб келмоқда. Улар томонидан ҳар куни минглаб хат-хабарлар, пул ўтказмалари, посилкаларга ишлов берилади ҳамда миллионлаб обуначиларга газета ва журналлар етказилади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бугун юртимизда почта тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида хизматларнинг янги турларини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг барча ҳудудида почта алоқаси универсал хизматларнинг кафолатли ва сифатли кўрсатилишини таъминлаш борасида улкан ишлар қилинмоқда. Бу ишлар келгусида ҳам изчиллик билан ривожлантирилишига шубҳа йўқ.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

ГУРУР

Ватан қалбда бўлади

Ўрта мактабнинг 7-синфини битириб, ёзги таътилга чиққанимизда бир гуруҳ ўқувчилар билан ҳозирги Ҳамдўстлик давлатларининг қатор шаҳарларида бўлиб қайтгандик.

Сафаримиз ниҳоятда қизиқарли кечганди. Ўн беш кун деганда биз ўтирган поезд Тошкент томонга йўл олди.

Болаликда содир бўлган воқеалар, кўрган-кечирганларинг бир умр хотирангда муҳрланиб қолар экан. Ҳадсиз ўрмонлар, ям-яшил табиат, лаззатли таомлар, қизиқарли томошалар ҳали-ҳануз кўз ўнгимда турибди.

Она юртга йўл олганимизнинг учинчи куни поезд радиосидан таралган ўзбекча ашулани эшитиб, вужудим титраган, кўзларим ёшга тўлганди. Қалбимни илгари безовта қилмаган аллақандай ҳис қамраб олганди ўшанда. Ашулани қулоқларим билан эмас, юрагим билан эшитгандим. Ўспирин ёшимда юрагимга меҳмон бўлган бу туйғуни соғинч ҳисси деб ўйлаган эдим. Кейинчалик бутун вужудимни жунбушга солган бу туйғу Ватан туйғуси эканини англадим.

Бир ҳафтага қўшни шаҳарга саёҳатга бориб келган ўғлим Отабекнинг юз-кўзларида илгари мен кўрмаган, сезмаган ўзгаришни, қалбидаги ўзгача ҳаяжонни илғагандек бўламан.

У мени кўриши биланоқ "Ўзимизнинг шаҳримиз қанчалик яхши, соғиниб қолдим", дейди кўзлари чақнаб.

— Ахир сен бундан каттароқ, кўркамроқ шаҳарга сафар қилиб келдинг-ку! — дейман унинг кўзларига қараб.

— Йўқ, отажон! Барибир бизнинг шаҳримиз ҳаммасидан чиройли, — дейди у эътироз оҳангида.

Болам улғайганини, унинг митти қалбида ҳам Ватан туйғуси шаклланганини, жонажон Ўзбекистонимизнинг бир парчасига меҳр уйғонганидан қувонаман.

* * *

Бу воқеага анча бўлган. Чегара қўшинларида хизмат қилаётган укам Ўткиржон мустақиллигимиз душманларининг Ватанимиз сарҳадларига суқулиб киришининг олдини олиш пайтида яраланиб, госпиталга тушди. Анча вақт даволангач, яна хизмат жойига қайтиб борди.

Орадан кўп ўтмай Мустақиллик байрамининг 16 йиллиги арафасида "Жасорат" медали билан тақдирланиб, таътилга Қаршига келди. Формаси ўзига ярашган офицерга тикилар эканман тўлқинланиб кетдим. Мустақил Ватан корига яраб, Президентимиз томонидан мукофотланган шундай укам борлигидан юрагим фахрга тўлди.

— Хўш, кўксингга Ватан мукофотини тақишаётганида нима ҳақида ўйладинг? — дейман эндигина 22 ёшга тўлган Ватан ҳимоячисига синовчан тикилиб.

— Жуда ҳаяжонда эдим, — дейди у бироз ўнғайсизланиб. — Лекин ростини айтсам, энг оғир вазиятга тушганимда ҳам, энг хурсанд бўлган пайтимда ҳам беихтиёр Президентимизнинг "қузғунлар" галаси орасига дадил кириб борганини эслайман. Сўнгра отам, болаларим, ўзим туғилиб ўсган мана шу уй кўз олдимга келади. Нимадир менга қудрат, куч бағишлайди. Чунки улар тимсолида бутун Ўзбекистонни кўраман.

* * *

Карши шаҳрининг 2700 йиллик тўйига шу ерда туғилиб, ўспиринлигидан Москвада истиқомат қилаётган таниқли ижодкор ташриф буюрди. Катта тўйга тўёна сифатида ўзининг шахсий жамғармасидан Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига тўёна ҳам қилди.У собиқ юртдошимиз, Ҳамдўстлик мамлакатлари рассомлик ва тасвирий санъат ассоциацияси раиси, бир қанча халқаро мукофотлар соҳиби Масуд Фаткулин эди. Ўшанда хизмат тақозоси билан унга ҳамроҳлик қилган эдим.

Масуд ака аэропортдан тўғри "Эшони шаҳид" қабристонига келиб, отасининг ва бошқа яқинларининг қабрларини зиёрат қилди, оқсоқоллар билан учрашди. Қабристондан чиққач, режалаштирилган йўналишлардан воз кечиб, машинани эски "Горгаз" жойлашган ҳудудга ҳайдашни илтимос қилди. Орадан анча йиллар ўтгани боис шаҳар кўчалари ўзгарган, Фаткулинлар яшаган ҳовли эса анча ораликда қолиб кетганди. Ҳудудни тўрт марта айланганимиздан сўнг у машинани шу ердаги тор кўчалардан бирига буришни сўради. Болаликдаги хотираларини титкилаб, қўшниларининг исмларини эслади. Машинадан тушиб, кўча бўйлаб худди ёш болалардек югураётган Масуд аканинг ҳаракатлари кечагидай кўз ўнгимда. Унинг юз-кўзларида жиддийликдан асар қолмаган, бутун вужудини ғалати ҳис қамраб олган эди. У ўзи ўсган ҳовлининг дарвозасини аста чертиб, таклифни ҳам кутмасдан остона ҳатлади. Хонадоннинг янги соҳиблари эса меҳмоннинг кимлигини ҳам сўрамасдан дастурхон ёзишди. Ҳовли бирпасда қўни-қўшни билан тўлди. Масуд ака ҳовлини айланар, ҳозир анча катта дарахтга айланган садани қучоқлар, ҳовли тўридаги супачага келиб ўтирар, хуллас, у бу ердан беғубор, беташвиш болалигини ахтарарди. Қўни-қўшнилар билан суҳбат кечгача чўзилди.

Сафарининг учинчи куни Масуд ака қайтадиган бўлди. Учрашувлардан унинг мамнунлиги сезилиб турарди.

Масуд ака билан аэропортда хайрлашар эканмиз, унинг кўзлари ёшга лиммо-лим тўлган, овози титрарди. Унинг қалбида қотиб қолган Ватан туйғуси уйғонган, киндик қони томган заминдан узоқлашгиси келмасди.

Исмат ОЧИЛОВ,
журналист

ҲАВО ТЎЛҚИНЛАРИДА

СЎЗ ҚАДРИ

Бошқа соҳаларнинг ҳам ўзига яраша сир-синоати бордир, аммо журналистикада — у хоҳ матбуот нашрлари, телеканаллар, хоҳ радиотўлқинлар орқали бўлса-да, биргина ахборотни жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш учун соҳани яхшироқ билиш, тинмай изланиш, катта маҳорат талаб қилинади.

Неча йиллардан бери салмоқли эшиттиришлари билан тингловчилар қалбига кириб борган Ўзбекистон телерадиоканалининг мухлислари жуда кўп. Таниқли шоира, радиожурналист Ҳалима Аҳмедова бир неча йилдан буён шу каналда ўзининг шарқона куй-қўшиқларга, бадиий нафосатга бой эшиттиришлари билан эл-юрт ҳурматини қозониб келмоқда. Ҳалима опа билан суҳбатимиз радиожурналистикада юз бераётган янгиликлар, нутқ маданияти ва ижод пиллапоялари ҳақида бўлди.

— Ҳаво тўлқинларига узатилаётган ҳар бир эшиттириш кўплаб ватандошларимизни ҳаяжонга солиши табиий. Уларга манзур бўлиш учун радиожурналистнинг айтадиган ўз сўзи, кўнгил битиклари, бугунги воқеликка, жараёнларга нисбатан тийрак нигоҳи ва оғриқлари бўлиши табиий. Сиз эфирга чиқишдан олдин қандай тайёргарлик кўрасиз?

— Аввало, бу соҳада доимо янгиликка интилувчан, интеллектуал салоҳияти юксак, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблик билан ёндашган ижодкоргина қадр топади. Бунинг учун журналист ўз позициясига эга, қатъиятли, иродали ва маънавий етук бўлиши керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: *«... ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса, ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она-юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга».*

Одамлар турмуш ташвишларидан ортиб, телевизор кўриш ёки бадиий адабиёт мутолаасига вақт тополмаслиги мумкин, лекин радио орқали ҳаётимизда юз бераётган янгиликлардан хабардор бўлади. Шунинг учун ҳар доим эфирга чиқишдан олдин пухта тайёргарлик кўраман. Мухлисларнинг кўнглини кўтарадиган, уларнинг қалбида эзгу мақсадлар, гўзал туйғулар уйғотадиган лойиҳалар устида обдон ишлайман. Ҳар бир эшиттиришим эфирга узатилгандан кейин ўзим ҳам тингловчи сифатида кузатиб, таҳлил қилиб бораман. Кўзга ташланган муваффақиятлар ва камчиликлар келгуси чиқишларимда сабоқ бўлади. Мени янги ижодий парвозларга ундайди.

— Бугун радиобошловчилар ўзи хоҳлагандек эфирга чиқаётгани қувонарли ҳол. Аммо тингловчини эшиттиришлар сони эмас, сифати қизиқтиради. Бу борада Ўзбекистон телерадиоканали тажрибаси ҳақида гапириб берсангиз?

— Бу қутлуғ даргоҳда 12 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқдаман. Ҳар бир эшиттиришимизни нуфузли таҳрир ҳайъати билан маслаҳатлашиб тайёрлаймиз. Шунинг учун бизнинг каналда тингловчи маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи саёз лойиҳалар, енгил руҳдаги куй-қўшиқлар тингловчига ҳавола этилмайди. Ҳар бир радиожурналист интилишларидан келиб чиққан ҳолда ўз лойиҳалари устида тинмай меҳнат қилади. Ўзим ҳам эшиттиришлар тайёрлашда қанчадан-қанча соҳа вакиллари, кўплаб инсонлар билан мулоқотда бўламан. Улар орттирган тажрибалар менга ҳаёт мактаби, бу даргоҳ эса дарсхона бўлди. Баъзан бўш вақтларимда радионинг олтин фондида сақланаётган дилга яқин куй-қўшиқлар, шеърларни тинглаб илҳом оламан. Кўпгина телеканаллар, радиоканаллар ҳам эл ардоқлаган ҳофизлару ижодкорларнинг овози ёзилган пластинкаларни биздан олишади. Бу қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

— Табиийки, радиожурналистлар ҳар куни халқимиз билан жонли мулоқотда бўладилар. Баъзан тингловчиларни қизиқтирган саволлар ва ечимни кутаётган муаммоларга тез ва аниқ жавоб беришга тўғри келади...

— Ҳақиқатдан ҳам радиода ҳар куни ҳаёт қайнайди. Тингловчилар билан доим мулоқотда бўлганимиз боис, эфирда ўзимизни тутишимиздан тортиб, айтган сўзимизгача уларнинг диққат марказида туради. Баъзан менга мухлисларнинг кутилмаган, лекин ўринли таклиф, мулоҳазалари жамиятимиздаги айрим муаммоларни ойдинлаштиришга қўмак беради. Эшиттиришларим мусиқа ва адабиёт оламига боғлиқ бўлгани боис, мухлислар кўпинча маънавият ва маданият соҳасига оид саволлар билан мурожаат қилишади. Масалан, яқинда қашқадарёлик бир куюнчак мухлисимиз ҳозир айрим радиобошловчилар матндаги ғализликлар ва шевага хос ўринсиз сўзлар билан ўзи хоҳлагандек эфирга чиқаётганидан шикоят қилди. Мулоҳазаси ўринли. Лекин ахборот асри дея таърифланаётган бугунги даврда матбуот нашрлари, телеканаллар ва радиотўлқинлар ўртасида ўз-ўзидан рақобат муҳити шаклланди. Бу тингловчиларга танлаш ва саралаш имкониятини берди.

Унинг қадрига етиш ва сўзни ўрнида ишлатиш журналистга ҳам, тингловчига ҳам ўзгача сурур бағишлайди. Аммо баъзи радиобошловчилар овозимни силлиқлайман, дея кимгадир тақлид қилади ёки обрў қозониш мақсадида тайёр эшиттиришлардан кўчирма олади. Бу ҳолат уларга обрў келтирмайди. Менга кўпинча оддий табиат манзаралари, ҳаётий воқеа-ҳодисалар илҳом беради. Мана шу самимий туйғулар орқали тингловчилар руҳиятини юксалтириб, қалбларига ором бағишласам, дейман.

— Сиз журналист сифатида телевидиние ва матбуотни қай даражада кузатасиз? Умуман, бугунги бадиий адабиёт мутолаасига муносабатингиз қандай?

— Ўзим севиб мутолаа қиладиган газета, журналларни мунтазам кузатиб бораман. Қалбимдан жой олган мақолалар ёки шеърлар бўлса, таҳририятга қўнғироқ қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни билдираман. Телеканалларда ҳам қизғин ижодий жараён кетмоқда. Айниқса, кундан-кунга адабий ва бадиий кўрсатувларнинг сифат даражаси ошмоқда. Бу, албатта, ижодий жамоанинг ютуғи, деб ҳисоблайман.

Аммо бугунги бадиий адабиёт мутолаасидан кўнглим тўлмайди. Очиғини айтиш керак, ёшлар китоб ўқимай қўйишди. Тўғри, бугун замонавий технологиялар кўпчилик ёшларимизнинг ақлу ҳушини олган, аммо ҳаддан зиёд компьютер, интернет ўйинларига берилиб, китоб ўқишни камайтириш ҳар бир йигит-қизнинг ўзига зарар. Мен уларни ёшликнинг сурурли онларида яхши китобларни ўқиб ҳайратланишини, достонларни ёд олиб, қалби юксалишини истайман. Чунки дунёда инсонга садоқатли дўст, беминнат устоз фақат китоб, деб биламан.

Адиба УМИРОВА
суҳбатлашди

ЯНГИ НАШР

Болалар ва ўсмирларнинг севимли нашри — "Гулхан" журналининг иловаси бўлмиш "Шалола"нинг нишона сонини кўриб, хурсанд бўлдим. Ўзимнинг болалик чоғларим эсимга тушди. Укам Алишер билан расм чизишга жуда қизиқар эдик. Отам (ёзувчи Шодмон Отабек) бизни расм тўгарагига бошлаб борганди. Тасвирий санъатдаги илк сабоқларни ўша ерда Дмитрий Королев деган мураббий-рассомдан олганмиз. Машқларимиздан айрим намуналар "Гулхан" журналида чоп этилганда қанчалар қувонганимиз ҳам яхши эсимда. Ижодга эътибор, рағбат қанчалар муҳим ва зарур эканини, истеъдод тарбияси қанча эрта бошланса, шунча самарали бўлишини ана ўшанда мурғак қалбимиз билан ҳис қилганмиз. Мана энди журнал тасвирий санъатда ўз қобилияти, иқтидорини намоён этишга чоғланган болакайларга атаб махсус рангли, безакли, бежирим журнал ташкил этгани нур устига аъло нур бўлибди.

ПАРВОЗИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, «ШАЛОЛА»!

Истеъдод тарбияси бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳурматли Юртбошимизнинг **"Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур"**, деган ўгитлари биз учун ҳамиша дастуриламалдир.

"Шалола"ни варақларканман, "Ёш рассомлар ижодидан" рукнида чоп этилган ишларни кўриб, беихтиёр завқланиб кетдим. Болакайларнинг беғубор қалб билан дунёни самимий идрок этишга, ўз йўли, услубини топишга интилиши, ранг танлашдаги эмин-эркинлиги, бетакрорлиги алоҳида таҳсинга сазовордир. Ўғил болалар билан бир қаторда қизалоқлар ижодидан ҳам талайгина намуналар берилгани диққатимни жалб қилди. Сир эмас, таниқли мусаввирларимиз орасида аёл рассомлар саноқлидир. "Шалола"да илк ижодини бошлаган қизалоқлар келажакда ана ўша кемтикни тўлдиришига шубҳам йўқ.

Менимча, бу журнал фақат болакайлар учунгина эмас, балки истеъдод тарбиясига бефарқ бўлмаган катталар, ота-оналар учун ҳам керакли нашрдир. Журналнинг мазмун-мундарижасида бу ҳолат ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Айрим ота-оналар тасвирий санъатга қизиқадиган фарзандларини қаерга, қайси тўгаракка, қайси кўргазма заллари, музейлари ва ўқув юртларига олиб боришни билмаслиги мумкин. Журнал ўз саҳифаларида шундай муҳим маълумотларни ҳам чоп этиб бориши лозим. Айни чоғда таниқли рассомлар ижодидан намуналар бериш баробарида улар ҳақида мухтасар, қизиқарли ва жонли ҳикоялар эълон этилса, (бу катта ибрат, албатта!) нашрнинг маъно салмоғи янада ортади, деб ўйлайман.

Журнал асосий эътиборни ёш рассомлар ижодидан намуналар беришга қаратгани нишона сонидан аён бўлиб турибди. Бу жуда тўғри йўл. Шу ўринда айрим мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Кузатишимча, адабиётда шундай бир яхши анъана бор. Илк қадамлари билан умид уйғотаётган ёш шоир ёки ёзувчи машқлари биронта таниқли ижодкорнинг "Оқ йўл"и билан нуфузли матбуотда ёритилади. Ушбу ибратли тажрибани бемалол тасвирий санъатда ҳам қўллаш мумкин. Шу баҳонада устоз мақомини олган рассом шогирдининг келгусидаги ижодини ҳам кузатиб, ютуқ ва камчиликларини беғараз кўрсатиб боради. Уста кўрган шогирд эса ҳар мақомга йўрғалайвермайди. Умуман олганда, илк машқлари билан эътиборга тушган, баракали ва самарали ижод қила бошлаган ёшларнинг ишлари кенгроқ ёритилавериши лозим. Бундан ҳамма ютади.

Юқорида рағбат ҳақида бежиз тўхталмадим. Келажакда журнал ўз саҳифаларида турли танловлар ўтказса, (масалан, Наврўз байрамига бағишланган энг яхши расмлар танлови) ғолибларнинг ишлари чоп этилса ва махсус мукофотлар билан тақдирланса, таниқли мусаввирлар бу ишларни содда, тушунарли тарзда шарҳласа, ёшлар бундан руҳланиб, илҳомланиб ижод қилиши, изланишлари янада самарали бўлиши мумкин.

Биз орзуманд халқмиз. Яхши ният — ярим мол. Келажакда етишиб чиқадиган рангтасвир усталари: "Бизнинг илк ижодимиз дастлаб "Шалола"да ёритилган эди!" дея эласалар не ажаб!..

Азамат ОТАБОЕВ,
Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ранг-тасвирчи рассом, "Дўстлик" ордени соҳиби

ҲАМКАСБЛАР ҲАҚИДА

Бу — умрдир, бу — умр...



Избоскан туман «Пахтакор» газетасининг деярли ҳар сонида чиқиш қиладиган Йўлдошмирза Исоқжоновни ёзган мақолалари орқали таниганман. Тиниб-тинчимас бу қаламкашни биздан анча катта ёшда бўлса керак, деб ўйлардим ўша йиллари. Чунки у қаламга олаётган мавзулари, воқеликка муносабати, муаллиф сифатида чиқараётган хулосалари шундай мулоҳазага асос бўлар эди-да. Кейинроқ билсам, Йўлдошмирза ўзимиз тенги, ўрта бўйли, қорачадан келган, соддагина қишлоқ йигити бўлиб чиқди. Ундаги ҳаётий тажрибами, табиатидаги айрича жонсаракликми, ҳарқалай, мен илғамаган қайсидир фазилатлари уни тез орада туман аҳлига танитиб қўйганди. Кўп ўтмай у вилоятнинг номдор журналистларидан бири бўлиб танилди. Туман газетасида Йўлдошмирза ишламаган бўлим, у қалам тебратмаган мавзу қолмаган, десам ишонаверинг.

— Менимча, — деган эди у бир галги суҳбатимизда, — «бу соҳани ёритолмайман», дейиш газета ходимига ярашмайдиган иш. Аслида бирон мавзу ёки соҳанинг устасига айланиш — ихтисослашиш яхши. Аммо саноқлигина ходимлар ишлайдиган туман газетасида истайсизми-йўқми универсаллик шароит тақозосидир.

— Йўлдошмирза учун мавзунинг бегонаси йўқ, — дейди «Андижоннома» газетасининг масъул котиби, ёзувчи Ҳалимжон Тоҳир. — У қайси соҳа ҳақида қалам тебратмасин, ўша касбнинг мутахассиси даражасида фикр юритади. Энг муҳими, оддий мақола ҳам ижодий иш эканини ҳис қилган ҳолда қўлига қалам олади.

Избоскан тумани газетаси муҳаррири Абдулла Комилов ўз ходимига шундай баҳо беради: — Йўлдошмирза Исоқжонов лабзи ҳам, қўли ҳам ҳалол, фидойи инсон, дадил журналистлардан.

... Андижон машинасозлик заводининг ишчиси, ёшгина Йўлдошмирза табиатан камчилик ва нуқсонларга бефарқ қараб туролмас, улар ҳақида газета-журналларга хат-хабарлар йўллаб, вазиятни ўнглашга баҳоли қудрат хисса қўшишни ўзининг виждоний бурчи, деб биларди. Шундай қилиб, 24 ёшли ишчи йигит 1974 йилда «Пахтакор» газетаси таҳририятига мусаҳҳиҳ вазифасига ишга қабул қилинди.

... Бир куни у ўзига нисбатан бўлаётган айрим нописандаликлардан ҳафсаласи пир бўлиб, муҳаррирга мурожаат қилади. Устоз Муҳаммаджон Ўроловнинг насиҳатлари, йўл-йўриқлари, қолаверса, газета жамоасининг меҳри-оқибати билан мана шу иззат-икромларга эришдим.

Ҳа, бугун Избосканда Йўлдошмирза Исоқжоновни танимайдиган газетхон, зиёлилар кам. Туман газетасининг бўлим мудири Йўлдошмирза Исоқжон салкам қирқ йилдирки, журналистиканинг ҳалол намаги билан қозон қайнатиб, оила тебратади. Ўғил уйлантириб, қиз чиқарди. Невара-чеваларига тўйлар қилмоқда...

Йўлдошмирзанинг ижоди фақат туман газетаси билан чегераланиб қолган эмас. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам беором қаҳрамонимиз юборган хабар лавҳа, таҳлилий мақолалар мамлакатимизнинг нуфузли нашрлари «Халқ сўзи», «Қишлоқ ҳаёти», «Ўзбекистон овози», «Андижоннома» газеталарида ҳам тез-тез чоп этилади. Бу — нафақа ёшини қоралаб қолган ҳамкасбимизнинг ижодий имкониятлари яна узоқ йиллар сўнмаслигини билдиради, деб баралла айта оламиз.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ,
Андижон

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

ШАХТЁРЛАР ОЗОД БЎЛАДИ



Икки ойдан бери 700 метр чуқурликда қолиб кетган чилилик 33 шахтёрни қутқариш ишлари охирига етай деб қолди. Бугун уларни ташқарига чиқариб олиш ишлари бошланади. Шахтёрлар жорий йилнинг 5 август куни шахтада рўй берган кўчки туфайли ер тагида қолиб кетишган эди.

Улар орасида 32 нафар чилилик шахтёр ва бир нафар Боливия фуқароси бор.

Шахтёрларни қутқариш учун 630 метр чуқурликкача туйнук қазишга тўғри келди. Сал олдинроқ Перунинг ANDINA ахборт агентлиги шахтёрларни ер юзасига чиқариш ишлари сешанба куни бошланиши ҳақида хабар берган эди. Аммо айрим сабабларга кўра, биринчи навбатда шахтёрлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иш бир кунга кечиктирилди.

Хабарларда айтилишича, чуқурга аввал тиббиёт ходими тушади ва шахтёрларнинг соғлигини текшириб кўради. Шундан сўнг биринчи бўлиб беморлар юқорига олиб чиқилади. Улар қора кўзойнак тақишлари шарт. Чунки узоқ вақт қоронғуда қолишгани учун шахтёрларнинг кўзлари шикастланиши мумкин. Қутқарув ишларини ёритиш учун дунёнинг турли бурчакларидан 700 нафар журналист келган.

ДОН БОЗОРИДАГИ ТАШВИШ

АҚШ ҳукуматининг жорий йилда мамлакатда жавдар ва маккажўхори ҳосили камайгани, яъни бундан 14 йил олдинги даражага тушгани тўғрисидаги хабари туфайли дунё дон бозорида вазият бирдан кескинлашди.

Лондонда чиқадиган Financial Times газетасининг ёзишича, биржаларда озиқ-овқат инқирозидан дарак берувчи вазият юзага келган. Масалан, АҚШнинг Чикаго биржасида ва Франциянинг Париж дон биржасида буғдой баҳоси бирданига 10 фоизга кўтарилиб кетган. Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари шошилинч тарзда дон сотиб ола бошлашди.

Маълумки, бу йилги қурғоқчилик туфайли Шарқий Европа мамлакатларида, жумладан, Россия ва Украинада, шунингдек, Қозоғистонда дон етиштириш камайиб кетди. Бундан ташқари, вақти-вақти билан тинимсиз ёққан ёмғир боис Австралия ва канадалик деҳқонлар ҳам режадаги ҳосилни олиша олмади. Бу эса дунё бозоридаги ва биржалардаги дон нархига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

ОМАДИ КЕЛДИ

ВВС хабарига қараганда, Англия фуқароси Европада ўйналадиган EuroMillions лотереясида 129 миллион евро (113 миллион фунт стерлинг) ютди.

Ютуқ эгасинингг номи ҳали эълон қилингани йўқ. У лотереяда кўп маблағ ютиш бўйича Европа рекордини ўрнатди. 2009 йилнинг май ойида испаниялик 25 ёшли аёл 126,2 миллион евро ютган эди.

EuroMillions лотереяси ҳар жума куни Европанинг тўққиз мамлакати — Англия, Франция, Испания, Австрия, Бельгия, Люксембург, Ирландия, Португалия ва Швейцарияда ўйналади.

ВЕНЕСУЭЛА НЕФТИ БЕЛОРУССИЯДА

Литва ва Белорусь шу ойнинг охиригача Венесуэла нефтини Клайпеда порти орқали Белорусга етказиб бериш бўйича шартнома имзолайди.

Бу ҳақда Белорусь бош вазири ўринбосари Владимир Семашконинг Литва телевидениесига берган интервьюсига асосланиб, РИА «Новости» хабар тарқатди. Семашконинг таъкидлашича, Белорусга Клайпеда порти орқали кейинги икки йилда 2,5 миллион тонна нефть етказиб берилади.

Венесуэла нефтини Белорусга етказиб бериш бўйича жорий йилнинг март ойида шартнома имзоланган эди. Белорусь 12 ойда ҳаммаси бўлиб 4 миллион тонна нефть сотиб олиши керак.

Белорусь ёнилғини асосан Россиядан сотиб олади. Масалан, жорий йилда расмий Москва Минскка 20 миллион тонна нефть сотиши керак. Аммо кейинги пайтда икки давлат ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли Белорусь бошқа мамлакатлардан нефть қидиришга мажбур бўлаяпти.

НИЛ БЕЗГАГИ ХАВФИ

Жорий йилнинг июль ойида Россиянинг жанубий ҳудудларида Ғарбий Нил вирусли безгаги пайдо бўлди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, мамлакат бўйича 226 нафар одам шу касаллик билан оғриган. Уларнинг олти нафари вафот этди. Мамлакат бош санитар врачи Геннадий Онишенконинг таъкидлашича, ҳозир касаллик чекина бошлаган бўлса-да, хушёрликни йўқотиш мумкин эмас.

Ғарбий Нил вирусли безгаги билан оғриган беморларнинг кўпчилиги Волгоград вилоятида яшашади. Олтита ўлимнинг бештаси шу вилоят ҳудудида қайд этилгани ҳам бежиз эмас. Ростов вилоятида эса 30 бемор Нил безгагидан озор чекмоқда. Битта бемор эса ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, вирусли безгак Астрахань, Воронеж вилоятлари, Краснодар ўлкаси ва Қалмиқистонда ҳам учради. Маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтга келиб 131 бемор стационар, 25 бемор эса амбулатория шароитида даволанмоқда.

ШАРҲ

«Газпром» харидор қидирмоқда

Россиянинг "Газпром" компанияси йил охиригача 145 миллиард кубометр газ сотиши мумкин. Бу ўтган йилга нисбатан 3,4 фоизга кўпдир. Бу ҳақда компания раҳбари Алексей Миллер мамлакат бош вазири Владимир Путин билан бўлиб ўтган учрашувда айтиб ўтди.



«Биз газ экспорти бўйича сезилар-сезилмас даражада ўсишга эришдик. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, 2010 йилнинг бошида кутган натижаларимиз ўзини оқламади. Бу апрель ва май ойларида Европа бозорида пайдо бўлган янги тенденцияга боғлиқ. Илгари биз ҳеч қачон бундай муаммога дуч келмаган эдик», деди Миллер.

Унинг айтишича, газ импортининг бугунги аҳволи Европа мамлакатларида иқтисоднинг ўсиши турличалиги билан боғлиқ. Хусусан, Германия ва Франция, шунингдек, Шимолий ва Марказий Европа газ сотиб олиш бўйича яхши имкониятларга эга, лекин Жанубий ва Жанубий-шарқий Европада аҳвол биз кутганчалик яхши эмас», деди «Газпром» бошлиғи РИА «Новости» мухбири саволларига жавоб берар экан.

«Газпром»дагиларнинг қайд этишича, 2010 йилда экспорт ҳажми 145 миллиард кубометрни ташкил этади. Бу 2009 йилдаги кўрсаткичдан 5 миллиард кубометр кўпдир. Аслида Россия бундан анча кўпроқ газ сотишни режалаштирган эди. Шу мақсадда ички имкониятларни ишга солиш ҳисобига газ қазиб олишни ҳам оширганди. Лекин негадир газ бозорида Россия газига талаб кутилганидек юқори бўлмади.

Москва европалик ҳамкорларига талаб бўлса, газ етказиб беришни оширишга тайёр эканлигини билдирди. Масалан, Туркияга юбориладиган газ режадагидан анча ошди.

Аслида Туркия Россия газининг энг йирик харидорларидан бири ҳисобланади. Бир неча йиллардан буён Россиядан газ етказиб беришни кўпайтиришни илтимос қилиб келаётган эди. Айниқса, жорий йилнинг август ойида Эрон ва Туркия ўртасидаги газ қувуридаги портлашдан сўнг Россия газига талаб янада ортди. Айни пайтда Европада Россия газига талаб бироз камайган.

«Биз турк дўстларимизнинг илтимосига биноан бу мамлакатга зангори ёқилғи етказиб беришни икки баравар оширдик, — деди Миллер. — Агар вазият талаб қилса, яна оширишга тайёрмиз». Ҳозир «Газпром» ҳар куни Туркияга 18 миллион кубометр газ етказиб беряпти. Йил охиригача эса бу мамлакат истеъмол қиладиган газ миқдори 30 миллиард кубометрни ташкил этади. Жорий йилнинг сентябрь ойида «Газпром» раҳбари ҳар қандай шароитда ҳам бу йил 145 миллиард кубометр газ экспорт қилинишини башорат қилганди. Шунингдек, ундан келадиган фойда 45 миллиард доллар бўлишини айтган эди. Ўтган йилги даромад 42,5 миллиард долларни ташкил этган.

Шу йил июнь ойи ўрталарига келиб холдинг компания вазиятни ўрганиб, газ импорти миқдорини камайтиришга мажбур бўлди. Бундан ташқари, йил бошида ҳар минг кубометр газнинг баҳосини 326 доллардан 308 долларга туширди.

Ўша пайтдаёқ Миллер Европа газ бозорида қандайдир пасайиш кузатилаётганини айтганди. Шу боис август ойига келиб холдинг компания газ қазиб олишни 16 фоизга қисқартиришга мажбур бўлди. Шунга қарамай кейинги йилларда Европага газ етказиб бериш ошиб боради. Масалан, келгуси йили кўҳна қитъа давлатлари Россиядан 163,5 миллиард кубометр, 2012 йилда эса 170,9 миллиард кубометр газ сотиб олади.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Эквадор пойтахтида 30 сентябрь куни эълон қилинган фавқулодда ҳолат муддати узайтирилди. France-Presse мухбирининг хабарида айтилишича, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида у жорий йилнинг 9 октябридан бекор қилинди.

— Фавқулодда ҳолат муддатининг узайтирилиши қуролли кучлар томонидан муҳим объектлар қўриқланишини таъминлайди, — деди мамлакат хавфсизлик вазири Мигель Карвахаль.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 30 сентябрь куни Эквадорда давлат тўнтаришига ҳаракат қилингандан сўнг фавқулодда ҳолат эълон қилинган эди.

ЖАНГАРИЛАР ҲУЖУМИ

Ўтган якшанба куни Италиянинг Афғонистондаги бирлашган кучлар таркибига кирган аскарларининг тўрт нафари ҳалок бўлди. Бу ҳақда Италия ташқи ишлар вазирлиги баёноти асосида ВВС News хабар тарқатди.

Хабарда айтилишича, Фараз провинциясининг Гулистон водийси ўз казармаларига қайтаётган аскарларга жангарилар ҳужум уюштирган. Бир аскар тан жароҳати олган. Жангарилар талафоти ҳақида ҳеч қандай хабар йўқ.

Афғонистонда НАТО қўшинлари томонидан уруш ҳаракатлари бошлангандан буён 34 нафар италия аскари ҳалок бўлди. Сўнгги икки йилда эса улар сони 21 нафарни ташкил этди.

Ҳозир Афғонистонда Италиянинг 3400 аскари бор. Яқин вақтлар ичида улар сони 4000 нафарга етказилади.

«ОХТА-МАРКАЗ» ЛОЙИҲАСИ МАЪҚУЛЛАНДИ



Россия давлат экспертиза бош бошқармаси Санкт-Петербург шаҳридаги осмонўпар бино «Охта-марказ» лойиҳасини маъқуллади. Энди давлат назорат қурилиш ўн кун ичида қурилиш ишларига рухсат бериши керак.

Бу бино қурилиши 2006 йилдан буён жамоатчиликнинг норозилиги туфайли тўхтатиб қўйилган эди. Жорий йилнинг август ойида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий меросларини қўмитаси ҳам Россия ҳукуматига мурожаат қилиб халқаро экспертиза ўтказилгунча қурилиш ишларини тўхтатиб туришни илтимос қилган. Ҳукумат бунга розилик берган. Лекин шу пайтга қадар ҳеч қандай экспертиза ишлари ўтказилмади.

Баландлиги 403 метрдан иборат бу марказни "Газпром" қуриши керак. Ушбу қурилишга қарши бўлганлар «Бинонинг жуда баландлиги шаҳарнинг тарихий кўринишини бузади», дейишмоқда.

СОБИҚ БАНКИР ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

Франциянинг Societe Generale банкининг собиқ трайдери Жером Кервьель биржалардаги кўзбўямачилиги учун айбдор деб топилиб, Париж ахлоқ тузатиш суди томонидан 5 йилга озодликдан маҳрум этилди.

У бу муддатнинг уч йилини қамоқхонада ўтказади, икки йили шартли ҳисобланади. Жером, шунингдек, банкка 5 миллиард евро компенсация ҳам тўлайди.

Эслатиб ўтамиз, тергов ҳужжатларига қараганда, Жером Кервьелнинг кўзбўямачилиги туфайли банк 4,9 миллиард евро зарар кўрган. 33 ёшли трайдер устидан суд жараёни 2010 йилнинг бошида бошланган эди. Ўтган вақт мобайнида 40 нафар банк ходими сўроқ қилинди. Улар бу жиноятни мутлақо сезишмаганини таъкидлашди.

Суд банк раҳбариятини айбдор эмас, деб топди. Жиноятчи эса суддан олдинроқ китоб чиқариб, бу ишдан банкнинг барча раҳбарлари хабардор эди, деган гапни айтган эди.

МУЗЕЙДАГИ ЎҒРИЛИК



Швециянинг Мальме шаҳридаги бадиий музей ходимлари полиция учта асарни олиб келиб топширгандан сўнг ўғрилик содир бўлганидан хабар топишди. Associated Press хабарида айтилишича, суратлар кўргазмадан сўнг йиғиштирилиб, омборга қўйилгач, жиноятчилар уларни ўғирлаб кетишган.

Музей директори воқеадан хабар топгач, ўзини йўқотиб қўйди. Ўғирлик қандай содир бўлганини изоҳлай олмади. Полиция вакиллари Эдвард Мунк, Гюстав Рюдберг ва Пэр Сигаард асарларини бошқа бир ўғирликда гумон қилинган одамнинг уйини тинтув қилган пайтда топишган. Ўғрининг номи ҳозирча сир сақланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Мункнинг ўғирлаб кетилган "Икки дўст" асари 1,5 миллион доллар, қолган икки асарнинг ҳар бири 30 минг доллардан баҳоланган.

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

DIE WELT *(ГЕРМАНИЯ)*

НИМА УЧУН АҚШ АБСОЛЮТ ЕТАКЧИЛИКНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМОҚДА

АҚШ узоқ вақт Халқаро валюта фонди (ХВФ)да етакчилик қилди. Бугун эса бу ҳолатга жуда тез ривожланиб келаётган Хитой хавф солмоқда, деб ёзади немис газетаси.

Ҳозир 187 мамлакат вакиллари фонднинг қароргоҳида йиғилганида гап энди фонднинг тугатилиши ёки яшаб қолиши ҳақида бормайди, балки унинг миллиардларини кимга бериш ёки ваколатларини мамлакатлар марказий банклари ишига халақит берадиган даражада кенгайтириш тўғрисида гаплашилади. Аммо асосий савол қуйидагича бўлади: хўш, ҳал қилувчи сўзни ким айтади?

Мақолада ёзилишича, анъанага кўра ХВФ йўналишини АҚШ маъмурияти белгиларди. Лекин кейинги йилларда Хитой ва Бразилия ўзларининг ХВФга таъсирини кучайтиришга ҳаракат қиляпти. Чунки уларнинг жаҳон иқтисодидаги улуши ҳам ошиб бораяптида. Халқаро валюта фондининг бугун 750 миллиард доллар маблағи бор. Шу боис унга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётган мамлакатлар сони йилдан-йилга ошиб бораяпти.

THE TIMES *(АНГЛИЯ)*

РУС ЖОСУСИ КУТИЛМАГАНДА РАКЕТА УЧИРИЛГАН ЖОЙДА ПАЙДО БЎЛДИ

Газета мухбирининг ёзишича, жосусликда айбланиб, АҚШдан чиқариб юборилган Анна Чапман кутилмаганда Бойқўнғирда Халқаро космик станцияни учириш маросимида қатнашган.

"Бу 28 ёшли Аннанинг ўша жанжалдан сўнг биринчи марта жамоатчилик олдига чиқиши", деб ёзади мухбир. Associated Press мухбири унга: "Бу ерда нима қилаяпсан?" дея савол берганида ҳозир келганини билдиради, лекин унинг саволларига жавоб беришдан бош тортди.

Россия космик агентлиги вакилининг таъкидлашича, Чапман космик саноат билан ҳамкорлик қилаётган "Фондсервисбанк" президентининг маслаҳатчиси сифатида Бойқўнғирга келган.

BERLINER ZEITUNG *(ГЕРМАНИЯ)*

ВАЛЮТА УРУШИ — БУ ШУНЧАКИ ГАП

Кўплаб мамлакатлар маҳсулотини экспорт қилиш учун сунъий имконият яратиш мақсадида атайин ўз валютасининг баҳосини пасайтиришга уринмоқда.

Аммо бу иш биз ўйлаганчалик осон эмас. Юқоридаги масала бўйича Хитой ва АҚШ ўртасида анчадан буён келишмовчилик пайдо бўлганидан кўпчилик хабардор. Вашингтон расмий Пекиндан юаннинг курсини кўтаришни талаб қилмоқда.

Хўш, юан нархи кўтарилиб, доллар нархи пасайса нима бўлади, дея савол беради мақола муаллифи. Албатта, Хитой товарлари америкаликлар учун қимматлашади, аммо бир неча йилдан буён жойидан қимирламай турган АҚШ саноати бундан фойдалана оладими? Йўқ. Америкаликлар барибир Хитой товарларини олишда давом этишади, фақат сал қимматроққа сотиб олади. Бу билан улар бироз камбағаллашади. Агар ҳақиқатан ҳам, Хитой товарлари импорти камаядиган бўлса, Пекиннинг доллари озаяди ва Американи аввалги даражада «кредит билан таъминлай олмайди». Бу эса Вашингтон учун қўшимча муаммо туғдиради. Чунки осмон ости мамлакати АҚШнинг энг йирик кредитори саналади.

Шундай экан, валюта уруши ҳеч қачон бўлмайди, деб ёзади газета мухбири.

LE MONDE *(ФРАНЦИЯ)*

САРКОЗИ МОСКВАНИ ФРАНЦИЯ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИМПОРТИГА ҚАРШИЛИК ҚИЛИШДА АЙБЛАДИ

Жорий йилнинг 7 октябрь куни Франция президенти Николя Саркози Россия президенти Дмитрий Медведевга хат йўллаб, Москва томонидан кўрилаётган чоралар Франция қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини қийин аҳволга солиб қўйганини билдирди.

"Франциялик ишлаб чиқарувчилар мол гўшти ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари импорти бўйича Россия томони чеклашлар эълон қилганини менга бир неча бор айтди, — дейилади хатда. — Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалигига доир шериклик шартномаси тузиш бўйича музокаралар олиб бормоқда. Франция Россиянинг Жаҳон савдо ташкилотига киришини қўллаб-қувватламоқчи. Шундай ҳолатда юқоридаги ҳаракат ишончни йўқотишга олиб келиши мумкин. Ваҳоланки, икки давлатнинг иқтисодий ва сиёсий алоқалари ўзаро ишончга асосланган."

Франция президенти юқоридаги ҳолатни француз ишлаб чиқарувчилари ва ишбилармонлари учун «Ўзини оқламаган» ҳолат деб ҳисоблайди ва унинг илмий асосланганига шубҳа билдиради.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ФАОЛИЯТ

Қамаши туманида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёш авлодни маънавий етук ва жисмоний соғлом этиб тарбиялаш ва оналар репродуктив саломатлигини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Қамаши туман ФҲДЁ бўлими қошида «Ёш оила мактаби» ташкил этилган бўлиб, у ерда ёш никоҳланувчи йигит-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий, сиёсий ва маънавий билимларини оширмоқда ҳамда улар миллий истиқлол ғоялари ва миллий қадриятлар асосида тарбияланмоқда. Шунингдек, бўлимда бўлажак оила эгаларига «Ўзбекистон республикаси оила» кодексининг тегишли моддалари, амалдаги қонунчилигимиз, миллий урф-одатларимиз, анъаналар ва қадриятларимизга кенг қамровли тушунчалар берилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қамашилик ёшлар онгига оиланинг нақадар муқаддас экани сингдирилмоқда.

КАМОЛОТГА ЕТАКЛОВЧИ МАСКАН

Ундан ташқари бўлажак келин-куёвларга соғлом оила қуриш, келажакда соғлом фарзандларни дунёга келтириб, уларни комил инсон қилиб тарбиялашда тиббий кўрикнинг аҳамияти ҳақида ҳам мутахассислар мунтазам равишда маслаҳатлар бериб боради.

Қолаверса, бўлимда Давлат дастури асосида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унинг ижросини таъминлаш учун жамоанинг ҳар бир аъзосига алоҳида вазифалар бириктирилган. Белгиланган чора-тадбирлар доирасида оила қуришни режалаштираётган ёшлар ҳамда коллеж, лицей талабалари, шунингдек, юқори синф ўқувчилари ўртасида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Хусусан, тумандаги 51-, 17-мактабларда, Қамаши қишлоқ хўжалик коллежи, Ёртепа саноат қурилиш коллежи, Туқбой саноат колежи, Чим маиший — хизмат коллежи, Қамаши педагогика-иқтисодиёт коллежларида «Оила — муқаддас даргоҳ», «Соғлом оила жамият пойдеворидир», «Соғлом она — соғлом бола», «Соғлом оилани шакллантиришда репродуктив саломатлик, оила манфаати — ватан манфаатидир» каби мавзуларда ўтказилган суҳбатлар ёшларимизда катта қизиқиш уйғотди. Натижада улар бу мавзуларда ўзаро баҳс-мунозараларга киришишди.

Оила қўрғони мустаҳкам бўлишига эришиш мақсадида туман хотин-қизлар қўмитаси, туман соғлиқни сақлаш бўлими, «Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати», диний идора вакиллари, туман «Саломатлик маркази» билан ҳамкорликда Чим, Қоратепа, Ертепа, Оқробод қишлоқ фуқаролар йиғини ва Ф.Хўжаев, «Обод», А.Навоий ва Умрбек номли маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам кенг кўламда тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Оила соғлом, жамият мустаҳкам бўлса, мамлакат барқарор бўлади. Шундай экан, ҳар биримиз бу борадаги ишларни эртага қўймасдан, бугундан бошлайлик. Зеро, хайрли ишнинг эрта-кечи бўлмайди.

С.ХИДИРНАЗАРОВА,
Қамаши туман ФҲДЁ бўлими мудири

БУГУННИНГ МАВЗУСИ

Хазондан ўғит тайёрласа бўлади

Бир қишлоқда кузги хазонларни ёққан уй бекасига дашном бераётган маҳалладошлар суҳбатини эшитиб қолдим. Хонадон соҳибаси ўз фикрини маъқулларди:

— Уй меники! Нима қилсам ўзимнинг ишим. Ёқаманми, ўчираманми, сизнинг ишингиз бўлмасин!

Ёши бир жойга бориб қолган отахон ҳам бўш келмади:

— Тўғри, қизим, уй сеники. Лекин осмон ҳаммамизники, сен ёққан хазоннинг тутунидан биз ҳам нафас оламиз-да!..

Ўйлаб қолдим: кузда ерга тўкилган хазонларни тутатиб ёқаётган уй бекаси қилаётган ишининг моҳиятини тушунаяптими? Ахир хазон ёқилгандан кейин унинг тутуни қанчадан-қанча касалликларни келтириб чиқаришини, инсон ҳаётига таҳдид солишини фан исботлаган-ку!

Савол туғилади, бўлмаса ҳар куни тўкилаётган хазонларни нима қилиш керак?!.

Бу саволга жавобни чўл ҳудудларида деҳқончилик қилаётган бир отахоннинг гапларидан топдим. Ерга тушган баргларни бир чуқурга кўмиб компост тайёрласа бўларкан. Хазонларнинг чириндиси ўсимлик ҳосилдорлигини оширадиган ўғитга айланаркан. Демак хазонларни тутатиб табиатга зиён етказмасдан, аксинча, ундан ўринли фойдалансак яхши эмасми?..

Боғбон боболаримиздан эшитган қуйидаги: «Дарахт ўз баргларини ерга тўкиб илдизларини қаҳратон совуқдан асрар экан» деган фикр ҳеч эсимдан чиқмайди. Одамлар уни йиғиб, ёқиб юборишга шошадилар. Ундан кўра, дарахтнинг тагидан мўъжазгина чуқурча ковлаб, баргларни кўмиб, устига тупроқ тортиб қўйилса ўзига ўғит бўларди, ахир!

Биз ҳозир хазон баргларини ёқиш туфайли юзага келадиган нохушликлар ҳақида тўхталдик. Ваҳоланки, табиатнинг ифлосланиши билан боғлиқ, ижобий ечимини кутиб турган жуда кўп муаммолар бор. Уларни бирин-кетин бартараф этиш учун экологик маданиятни ошириш, мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, коллеж ва лицейларда фарзандларимиз қалбига табиатга муҳаббат ҳиссини сингдириб бориш зарур.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Hurriyat» мухбири

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

200 ТОННА ПАРРАНДА ГЎШТИ ЎТКАЗИЛМАДИ

Юртимизга товуқ гўштининг қонуний тарзда олиб келиниши нафақат иқтисодий хавфсизлигимизни ҳимоя қилишга, балки, аҳолининг саломатлигини асрашга ва сифати кафолатланган парранда маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам хизмат қилади. Аммо айрим сохта тадбиркорлар томонидан божхона назоратидан яширинча олиб ўтишга уринилаётган, сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган товуқ гўшти маҳсулотлари аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш қоидаларига зидлигини айтиб ўтиш керак. Қолаверса, паррандачилик саноати ривожланган айрим мамлакатларда товуқ гўштининг сифати тобора шубҳали тус олмоқда. Хусусан, товуқнинг семиришини сунъий тарзда жадаллаштириш учун улар тез ўстирувчи гормонлар, гени модификацияланган маҳсулотлар ва кимёвий озуқалар билан озиқлантирилмоқда. Бундай гўштнинг кўп истеъмол қилиниши эса инсон организмидаги эндокрин ва иммун тизимига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, наслдан-наслга ўтувчи турли ирсий касалликларнинг келтириб чиқариш хавфини туғдиради.

Яқинда Наманган вилояти божхоначилари каттагина миқдордаги товуқ гўштини республикамиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилишининг олдини олди. Учқўрғон туманини қўшни давлат билан боғловчи айланма йўлда ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларни кўриб, бошқарувидаги «Нексия» автомашинасини ташлаб, жуфтакни ростлаб қолишди. Қонунбузарлар салкам 400 килограмм келадиган 26 қути товуқнинг сон гўштини олиб ўтаётгани аён бўлди.

Тошкент вилояти божхоначилари ҳам қиймати 7 миллион сўмлик товуқ гўштини олиб кирилишига тўсқинлик қилишди. Ушбу озиқ-овқат маҳсулоти фуқаро Ж.Шодмонов бошқарувидаги «Газ 31105» русумли автомашинада олиб ўтилаётган экан. Ҳозир мазкур икки ҳолат юзасидан суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида божхоначилар томонидан аниқланган 449 та қонунбузарлик ҳолатларида сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган салкам 986 миллион сўм қийматидаги 211 тоннадан ортиқ сифатсиз парранда гўштининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

СИФАТИГА КИМ КАФИЛ?

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида дори воситаларини, тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилишнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилаган ягона тартиб амал қилади. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек республикамизда рўйхатдан ўтказилган шундай дори воситаларининг ғайриқонуний намуналарини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорида кўрсатиб ўтилган импорт қилинадиган, давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарлари рўйхатига дори-дармон воситалари ҳам киритилган. Аммо ушбу тартибларга риоя қилмасдан фармацевтика маҳсулотларини юртимизга ноқонуний олиб киришга уринаётганлар ҳам учраб турибди.



Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида ҳаракатланаётган «Дамас» автомашинаси божхона назоратидан ўтказилганда, унда фуқаро Р.Ҳамраева томонидан қиймати салкам 1 миллион сўмлик дори-дармон ноқонуний равишда олиб кетилаётгани маълум бўлди. 25 турдаги 279 дона шундай маҳсулотни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ эди.

Навоий вилоятида ўтказилган тезкор тадбир давомида ҳам сохта «фармацевт»лардан яна бири — Ф.Санақулов чет давлатларда ишлаб чиқарилган 99 турдаги салкам 1 миллион сўмлик дориларга тегишли ҳужжатни тақдим қила олмади.

Йил бошидан буён ҳозиргача божхоначилар томонидан бу соҳада аниқланган 173 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 774 млн. сўмлик дори-дармон воситаларининг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

ФАХР

Маълумки, жорий йилнинг 28 июль — 3 август кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтган эди.

НАВОИЙЛИК ҲАКАМ

Унда юқори натижаларни қўлга киритган ҳамюртларимизнинг ғалабаси қўшалоқ байрамга айланиб кетди. Чунки мазкур мусобақа давомида дунёнинг турли давлатларидан ташриф буюрган ҳакамлар иштирокида «халқаро тоифадаги ҳакам» мақомини олиш учун семинар, назарий ва амалий имтиҳонлар ўтказилди. Семинарда 47 нафар ҳакамнинг 10 нафари мазкур мақомга лойиқ, деб топилди. Улар ичида энг ёш ҳакам Тўймурод Адизов ҳам бор эди.

— Менинг бу ютуқларга эришишимда биринчи устозим — отам Амрулло Адизовнинг хизматлари беқиёс бўлди, — дейди спортчи хориж сафари ҳақида гапирар экан. — Негаки спортга илк қадам қўйган чоғимдан бошлаб отамнинг қўллаб-қувватлашлари менга куч бағишлаб, янада улкан марралар сари ундаган.

Тўймурод ёш бўлишига қарамасдан тинимсиз машғулотларда тобланиб, нафақат спортчи сифатида балки, мураббийликда ҳам яхши натижаларга эришиб келмоқда. Энди эса ҳакамликда ҳам ўз истеъдодини намойиш этди. Вилоят спорти тарихида биринчи марта олимпиада ўйинлари сафидан жой олган эркин кураш тури бўйича «халқаро тоифадаги ҳакам» даражасини қўлга киритди.

Мураббийнинг ютуқлари у тарбиялаган шогирдларнинг спортдаги натижалари билан ўлчанади. Зеро, мақоламиз қаҳрамони биргина 2009-2010 йиллар мобайнида 3 нафар спорт устаси, 13 нафар спорт усталигига номзод, 7 нафар Ўзбекистон терма жамоа аъзоларини етиштириб бергани фикримиз тасдиғидир.

— Бу мақом менга катта маъсулият юклайди. Чунки нафақат юртимизда, балки, халқаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам ҳакамлик қилишим лозим, — дейди Т.Адизов. — Менинг энг катта орзуим олимпиада мусобақаларида ҳакамлик қилиш билан бирга мазкур ўйинларда шогирдларимнинг иштирокини ҳам таъминлашдир.

Унинг бу юксак ғалабаси юртимиз спорти тарихида алоҳида саҳифа очиши билан бирга олимпия ўйинлари сафидан жой олган эркин ва юнон рум кураши бўйича халқаро давраларда юртимизнинг эътироф этилишига сабаб бўлади. Табиийки, Тўймурод ёш спортчиларни янада юксак марралар сари илҳомлантиради.

Албатта, бу ютуқлар ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини юксалтиради. Зеро, бу ғалабани юртимизда спортчиларга берилаётган юксак эътиборнинг натижаси десак, айни ҳақиқатни қайд этган бўламиз.

Ўткир ЎСАРОВ

ТАБИБИ ЎЗИМИЗ

Ҳам лазиз, ҳам дори



Айни куз дамларида кўпчилик хонадонларнинг дастурхонини безайдиган, тансиқ табиат неъматларидан бири — шарқ хурмоси ҳисобланади. Кўркам хурмо дарахти сентябрь-ноябрда ўзининг хосиятли неъматларини тортиқ этади. Хурмо меваларининг оғирлиги баъзан 500 граммгача бориши мумкин, уларнинг эти қалин бўлиб, кейинчалик юпқалашади. Пишган меваларнинг ранги тўқ сариқ, ним пушти, шафакранг тусда бўлиши мумкин. Меваси бироз мумғубор билан қопланган бўлади.

Халқ табобати амалиётида хурмо мевалари меъда касалликларига тавсия қилинади ҳамда зангила хасталигининг олдини олувчи ва даволовчи беозор табиат неъмати ҳисобланади. Айниқса, уни оғир, тинка қуритадиган касалликларни бошидан кечирган кишиларга қувватбахш восита сифатида истеъмол қилиш буюрилади.

Хурмонинг етилиб пишганидан олинадиган қуюлтирилган шарбатни хафақонликда, камқувватликда, қон босими пасайиб кетганида, юқори нафас йўллари шамоллаганида ва қон қусишда истеъмол қилиш лозим кўрилади. Хурмо меваларидан тайёрланган шарбат бўқоқ касаллигида (тиретоксикознинг ўртача кечадиган кўринишида) шифоли ҳисобланади.

Хурмо мевалари парҳез неъмат сифатида сархил ҳолида ёхуд қоқи ҳолида истеъмол қилинади.

Хурмо субтропик мевалар бўлмиш цитрус меваларидан кейинги иккинчи ўринда ўзининг шифобахш, парҳезбоп ҳамда озуқавий хислатлари билан ўрин тутади. Айрим халқлар хурмо мевасини қуритиб ва уни туйиб буғдой уни билан қўшиб нон ёпадилар. Бундай нонлар ўзгача мазали бўлиши билан бирга қувватбахш бўлиб, камқонликка дармон бўлади.

Кавказбўйи халқлари хурмо меваларининг қуюлтирилган шарбатидан "хурмо-дошаб" ҳосил қиладилар. У ўз навбатида хафақон, камқонликда даво бўлиб, юқори нафас йўлларининг яллиғланишида балғам кўчирувчи беозор омил ҳисобланади.

Ичбуруғга мойиллиги бор одам хурмонинг сархил меваси ёки мева қоқисини истеъмол қилиши тавсия этилади.

Йирингли жароҳат, яраларга (чипқон, сизлоғич) хурмо меваларининг юмшоқ қисми пўстлоғи билан қўйилади.

Агар хурмо мевалари бўлаклаб қуритилса, ўзининг мазасини йўқотади. Хурмо парҳез неъмат сифатида қон айланиш тизимига, жигар, ўт-сафро чиқарувчи йўлларга, шунингдек силла қуришида фойдали ҳисобланади.

Хурмо шарбати ичак, кўкимтир таёқчалар, шунингдек тилларанг стафилококкларга қирон келтирувчи бактерицидлик хусусиятига эга. Хурмонинг меваларидан сукдиоскопил номли дори олинган бўлиб, унда 40 мг% гача йод сақланади, у ўз навбатида тиретоксикоз хасталигини даволашда табиий даволардан бири ҳисобланади.

Булардан ташқари замонавий тиббиётда хурмодан ошқозон-ичак хасталиклари, фурункулёзли (кўплаб чипқон, хўппоз чиқиши, айниқса карбонсувлар алмашинуви бузилганида, қандли диабет касаллигида пайдо бўлади, стафилококклар сабабли, сурункали дардга йўлиқишда) жароҳатларни даволашда фойдаланилади.

Хурмо меваси асосида турли ширинликлар: мураббо, цукат (шакарланган хурмоли торт), хурмоли қиём (повидло) ва шарбатлар тайёрланади. Мева сомса ва варақиларнинг ўзаги сифатида ҳам фойдаланилади.

Ўлкамизда хурмонинг "Томопон", "Ўзбекистон", "Қандли Денов" навлари етиштирилади. Ўсимликнинг "Хиакуме" нави ҳам иқлимлаштирилган бўлиб, бу нав хурмонинг мевалари йирик ва уруғсизлиги билан ажралиб туради.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос

Style.uz ЁШЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган Style.uz санъат ҳафталиги таниқли ва ёш рассомларнинг кўргазмалари, ўзбек ва хориж модельерларининг намойишлари, Миллий либослар фестивали, театр фестивали, илмий-маданий анжуманлар, ёш дизайнерлар ва спорт рақслари танловлари, санъат ҳамда мода соҳасига оид мутахассисларнинг маҳорат дарслари, хайрия тадбирлари ва жаҳон юлдузларининг махсус томошаларини ўз ичига олган.

Анжуман ташкилотчилари мамлакатимизда халқаро маданий алоқаларни ривожлантиришга тобора кенгроқ эътибор қаратиб, иқтидорли болалар ва ёшларни, ҳунарманд сулолаларни, қолаверса, турли йўналишда ижод қилувчи кишиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида грантлар ажратиш, стипендиялар таъсис қилиш билан бирга, мамлакатимиз ва хорижда танловлар, фестиваллар, кўргазмалар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар уюштиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Ранг-баранг санъат турлари ва ижодкор шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган Style.uz санъат ҳафталиги йирик маҳаллий ва халқаро тизимлар ҳамда жамоатчилик ташкилотлари кўмагида амалга ошириб келинмоқда. Ушбу ташкилотлар орасида Британия кенгаши, Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази, Япония жамғармаси каби нуфузли ташкилотлар бор.

Санъат ҳафталиги иқтидорли, аммо молиявий имконияти чекланган ёшлар учун иқтидорларини намоён этиш, ижод намуналарини халқаро брендлар билан бир саҳнада намойиш қилиш учун жуда қулай имкониятдир. Шунингдек, ҳафталик доирасида иқтидорли ёшлар мато тўқиш, тикиш, андозалар яратишнинг қадимий усулларини тиклаш билан шуғулланаётган изланувчан усталар учун маҳорат дарслари ўтказиш, уларга грантлар ажратиш ҳам кўзда тутилган.

Ўтган йилларда дунёга машҳур модельерлар, заргарлик ва либос брендлари соҳиблари, мода, санъат ва маданият оламидаги номдор шахслар, модага оид халқаро журналлар муҳаррирлари, жаҳондаги кўзга кўринган ОАВ вакиллари, Австрия, Буюк Британия, Франция, Италия, Испания, Ҳиндистон, Германия, Швейцария, Япония, Хитой, АҚШ, Россия ва бошқа мамлакатларнинг санъат юлдузлари Style.uz санъат ҳафталиги меҳмонига айланганлар.

Лобар РАҲИМЖОНОВА

ТУЙҒУ

ОДАМИЙЛИК КАЛИТИ

Инсон яралибдики, ҳамиша бахтга, эзгу мақсадларга интилиб яшайди. Аммо бунга эришиш учун тинимсиз меҳнат, сабр-тоқат, ақл-заковат керак. Қолаверса, ҳар ким мақсадларига етишиш йўлини ўзи танлайди. Аслини олганда Ватанингни мустақиллик довонларидан мардона, ўзига хос шаҳд ва матонат билан ўтиб бораётганига гувоҳ бўлиб яшашнинг, шу мамлакатнинг оғирини енгил қилишга, унинг йўлида ғов бўлаётган бир хасни бўлса-да, олиб қўйишга яраш-нинг ўзи жуда катта бахт.

Ҳар гал бу ҳақда ўйлаганимда тобора обрў-эътибори ортиб бораётган, гуллаб, яшнаётган Ватанимизнинг иқболидан дилим яйрайди. Айниқса, таълим соҳасида узоқ йиллар хизмат қилган менга ўхшаш кишиларга бундай ҳис-туйғулар жуда таниш.

Вазифамиз мамлакатимиз мустақиллигининг мазмун-моҳиятини, уни авайлаб-асрашни, Ватан туйғусини фарзандларимизнинг мурғак қалбига миришкор боғбонларимиз сингари пайванд қилишдан иборат.

Узоқ йиллик меҳнат фаолиятим давомида шунга амин бўлдимки, ҳар бир инсон яхши ният билан ишласа, ўқиса ҳаёти бахтли, топган-тутганида барака бўлар экан.

Тақдир тақозоси инсон билан қаерларгадир боришга, кимлардандир кўмак сўрашга, раҳбарлар кабинетининг қабулхонасида кутишга тўғри келадиган ҳолатларга дуч келаркан. Ҳа, ҳаёт шунақа. Балки мана шундай муносабатларда меҳр-оқибат синалар? Балки, одамийлик оламининг калити бир оғиз ширин сўзимиздир. Хуллас, вилоятимиз миқёсидаги идоралардан бирининг эшигини не ўй-хаёллар билан очдим. Даврон деган хушбичимгина йигит мени кўриши билан ҳурматимни жойига қўйиб, одоб билан кутиб олди. Жилмайганича гапсўзларимга қулоқ тутди. "Ҳаммаси кўнглингиздагидек бўлади, устоз", деди суҳбати сўнггида. "Устоз" сўзини эшитиб, кўнглим "жизиллаб" кетди. "Наҳотки, шу йигит ҳам бир пайтлар ортимдан қулоқларим эшитишга кўникиб қолган шу қадрдон сўзларни айтиб чопиб юрган бўлса!", — деган фикр ялт этиб ўтди. Аммо мен бугун уни бошқача эшитдим! Шундай экан. Уйга қайтгунимча хаёлим ўзимда эмасди. Юзлаб болалар орасидан унинг болалик сиймосини излаб қайтдим. Топдим. Бу ўша илмга чанқоқ, эсли ҳушли, табиат фанига ниҳотда қизиқувчан бола — Даврон эди. Мактабни битириб, ҳозирги Иқтисодиёт университетига ўқишга кирганида биз ўқитувчилар ўз фарзандимиз ўқишга киргандаги каби қувонгандик.

Ўқувчим эришган муваффақиятларни кўриб, фарзандларимга ҳам унинг йўлини тиладим. Буни қарангки, тўнғич қизим Феруза ҳам ўқитувчилик касбини танлаб, эл орасига кирди. Кейинчалик сафимизга келиним Дилдорахонни ҳам қўшиб олдик.

Бир оилада уч ўқитувчимиз. Бир кун келиб улар ўқитган жужуқлар ҳам "устоз" деб қаршиларидан чиқишига, албатта, ишонаман.

Фотима ШЕРМАТОВА, ўқитувчи.
Зангиота тумани

НАЗАР

«МЕН «АЛМАЗБЕК», ОТАМ «АТАДЖАН», БОБОМ «БАТЫР»

афсуски, кўпчилигимизнинг паспортимизда ҳалигача исм-шарифларимиз худди шу тарзда ёзилмоқда



Бир куни таҳририятга башанг кийинган, истараси иссиқ бир киши кириб келди. Авзойи бузуқлигини қовоғидан ёғаётган қор ҳам гапсўзсиз англатиб турарди. У таклифимни кутиб ҳам ўтирмай стулга ўтирди-да, негадир русча талаффузда ўзини таништирди:

— Мен Батыровман.

Ким бўлди экан, деб ҳайрон бўлиб тургандим. Фамилияни эшитиб, шу заҳоти чеҳрам ёришди:

— Э, шунақа демайсизми? Табриклайман. Мана, газетамизнинг бугунги сонида мақолангиз чиқди: "Гувоҳ сўзидан қайтганда". Аммо мавзуниям зўрини топибсиз...

— Ўртоқ муҳаррир, мақолани кўрдим. Раҳмат. Лекин бу ерга мақтов эшитгани эмас, арз билан келдим. Мақолам бундай ҳолатда чиққанидан кўра чиқмагани яхшийди.

— Йўғ-ей, нималар деяпсиз?! Жуда ажойиб чиқди. Узоқ-яқиндан телефонлар ҳам бўлаяпти. Ёки... бирор хатолик ўтиб кетибдими?

— Ҳа-да, — у аввал чўнтагидан паспортини олди, кейин сумкасидан газетани чиқариб, мақоласи ўрин олган саҳифани очдида, унинг пастига ишора қилди. — Мана қаранг, мени "Олмосбек Ботиров" деб ёзишибди. Аслида "Алмазбек Батыров"ман. Кўринг, мана, паспортимда ҳам худди шундай ёзилган.

— Вой-бўй, шунақа демайсизми, ака. Эсхонамни чиқариб юбордингиз-ку. Шунга шунчами? Мен бошқа бир нарса бўлибдими, деб ўйлабман.

— Яна қанақа гап бўлиши мумкин... Гапни олиб қочманг, фамилиямни нега ўзгартирдингиз?!

Очиғи, мен ҳам чидаб туролмадим:

— Олмос ака, зиёли одамсиз. Биз давлат тили тўғрисидаги қонун асосида иш тутганмиз. Исм-фамилиянгизни сиз айтгандек берсак, газетхонлар бизни саводсизликда айблашади...

— Ўша қонуннинг қаерида исм-фамилияни ўзгартириб бериш мумкин дейилган? Биз ҳам бу қонунни сиздан яхшироқ билсак керак, ўртоқ муҳаррир. Адабий тил деб, билган ишларингизни қилаверасизларми?

Гапни чўзмасдан айта қолай, бир сондан кейин муаллиф ёзган исм-фамилияда бошқа мавзудаги мақола эълон қилишга мажбур бўлдик. Негаки, қонунда шахсни тасдиқловчи ҳужжатда нотўғри ёзилган номларни газетада адабий тил меъёрига мослаб ўзгартириш мумкин, деган жойи йўқ. Қолаверса, ўша ҳуқуқшуноснинг гапига қараганда мақола ҳисоботга қўшиб юқори идорага топшириларкан. Ва энг ёмони, исм-фамилиясидаги номутаносиблик туфайли мақолани ҳисобга олишмас экан.

Келинг, шўро давридаги хатоларни ҳадеб такрорлайвермайлик. Чунки уларни ҳамма билади. Барча айбни ФҲДЁ ва паспорт столида бошқа миллат вакиллари ишлаганига ташлаб қутулдик. Энди-чи? Эндиги айбни кимга юклаймиз?..

Надоматлар бўлсинки, ана шу камчиликларни тузатишга астойдил киришмаяпмиз. Бир танишим бор, паспортини бир неча марта (сабаблари турли хил) алмаштирди. Лекин ҳали ҳам унда "Ялдашев Хамит Кочкарович" деган ёзув турибди. Хўш бунинг учун ким айбдор? Паспорт эгасими? У савдо ходими, тижоратчи. Аниқроғи, бунақа ёзувнинг моҳияти уни умуман қизиқтирмайди. ФҲДЁ мудирларини айблашга ҳам ҳаққимиз йўқ. Чунки бу паспорт бундан 20 йил аввал олинган. Паспорт столидагилар эса "Бизга фуқаро қандай ҳужжат тақдим этса, ўшандай ёзиб берамиз", дейишади. Хуллас, кимнинг гирибонидан олишни билмайсиз.

— Амалдаги қонуннинг 15-моддасига биноан "Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар". Масалан, "Джураев" эмас, "Жўраев" шаклида.

Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан "Ўзбек исмлари" китоби нашр этилди. Умуман, турли номлар билан ўнга яқин исмлар луғати юзага келди. Ахир, тайёр китоб — қўлланма бўлса-ю, ундан оқилона фойдаланмасак, бунинг нима кераги бор? — дейди филология фанлари доктори Суюн Каримов.

Хўш, унда биз юқорида тилга олган камчилик нега бартараф этилмаяпти? Тўғри, "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун 1995 йил декабрь ойида янги таҳрирда қабул қилинганда қонун матни янада мукаммаллаштирилди. Аммо янги қонунда ҳам (13-модда) номларни тўғри ёзиш, асл ҳолига ўзгартириш кимнинг зиммасига юкланилиши аниқ кўрсатилган эмас. Натижада расмий ҳужжатларда, ҳатто газеталарда, айниқса, журнал ва бюллетенларда исм ва фамилиялар ғиж-ғиж имло хатолари билан босилмоқда.

Яқинда жияним паспорт олди. "Ахмедова Шаҳнозахон Халдар қизи" деб ёзилган. Биринчидан, "Ахмед" русча талаффуз белгиси. Аслида "Аҳмадова" бўлиши керак. Иккинчидан, отасининг паспортидаги исми "Халдар"(Холдор эмас) деб ёзилган. Кейин билсам, ўзлари исм-шарифларни худди шундай ёзилишини талаб қилишган экан. Нима эмиш, ҳамма ҳужжатларида шундай ёзилган, мабодо, нафақага ҳужжат тўғриласа, пенсия жамғармаси мутахассислари қўшимча маълумотлар сўраб овора қилишармиш. Мана, муаммонинг илдизи қаерда?

Ўрни келганда айрим таклифларимни ҳам айтиб ўтсам. Майли, "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунни такомиллаштириш, унинг шарҳини соддалаштириш, аниқлаштириш олим, мутахассислар, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳукмига ҳавола. Қолаверса, бу муаммога асло шошма-шошарлик билан ёндашиб бўлмайди.

Лекин ҳозирча паспортини алмаштираётган фуқароларга исм-фамилиясини тўғрилаб ёздириш шартини қўйиш мумкинку. Акс ҳолда улар фамилияларнинг Ходжакулов, Раджабов, Камаров, Алмасов, Батыров, Караев, Джуракулов, Саматов, Самиджанов, Юлчиев каби ёзилиши нафақат ўзбек тили меъёрларига, балки шахс шаънига ҳам номуносиб эканини тушуниб етмайдилар.

Тўғри, маъмурий идоралар "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун ижросини назорат қилиб туришади. Аммо бу назорат ташкилот, хўжалик номлари, пештахталардаги ёзув масаласи билан чегараланиб қолмоқда. Эҳтимол, олимлар, маънавиятчи ва журналистлардан иборат тарғиботчилар ёрдамида жойларда бу борада тушунтириш ишларини кучайтириш керакдир?

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, топоним объектларга ном бериш, тарихий номларни тиклаш борасида мамлакатимизда жуда ибратли ишлар қилинмоқда. Энг муҳими, одамлар бу эзгу ишларни чин дилдан маъқулламоқдалар. Бироқ шахсий иш бўлгани учунми, билмадим, ўзбекча исм ва фамилияларни асл ҳолича, яъни тўғри ёзишга талаб даражасида ёндаша олмаяпмиз.

Яқин йилларда мамлакатимизда паспорт тизимининг янги шакли — биопаспорт жорий қилиниши назарда тутилмоқда. Эҳтимол, биз юқорида санаб ўтган нуқсонлар шу жараёнда ҳал этилар ёки биопаспортга ҳам эски ҳаммом, эски тос қабилида ўзбекона маънодан йироқ исм-шарифларни мана кўрдингизми, дегандек ёзиб қўяверамизми? Ахир, кишининг фамилияси, исми унинг шахси ифодаси-ку!.. Инсон отасининг ёки ўзининг исми билан доимо ғурурланишни истайди. Чунки азалдан ном жуда катта қадрият, шаън ҳисобланган. Унинг нотўғри ёзилиши, нотўғри талаффуз этилиши шахснинг шаънини топташ билан баробар, назаримда. Буни ҳар бир юртдошимиз чуқур тушуниб етиши зарур.

Фармон ТОШЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Самарқанд вилояти "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири

МУШОҲАДА

Маълумки, бола ёшлигида реаллик билан фантазия ўртасига чегара қўймайди. Унинг назарида ота-онанинг мавжудлиги, уларнинг меҳр-оқибати нақадар реал бўлса, қорбобо ёхуд ялмоғиз кампирнинг борлиги, ит ва мушукнинг гапириши ҳам шу қадар воқедир. Вақт ўтиши билан бола реаллик ва фантазия орасидаги тафовутни англаб боради, воқеликка оқилона муносабатда бўлишни ўрганади.

ЭНГ КАТТА ЧЕГАРА

Лекин, ажабки, бир тоифа кишилар улғайганда ҳам "фантазерлигини" қўймайди. Айнан шулар орасидан Алишер Навоий, Федор Достоевский, Абдулла Қодирий каби "Даҳо фантазерлар" етишиб чиқади. Сирасини айтганда, тоғни талқон қилувчи Фарҳод аслида бўлмаган, десак, ўқувчиларимизнинг дили ранжийди. Дунёнинг азалий муаммоларини ўз билганича ечишга уринган ака-ука Карамазовларнинг бўлганлигига ким кафолат беради? Ўтган аср бошларида Тошкент ва Марғилон орасида сарсон бўлган Отабекни ҳам ҳеч ким кўрмаган. Буларнинг бари муаллифларнинг фантазияси, холос. Лекин ана шу "ёлғон" мил-лионлаб кишиларнинг маънавий юксалишига хизмат қилгани, одам боласини зиғирча бўлса-да одамроқ қилгани рост.

Инсон улғайгач реаллик билан фантазия орасидаги тафовутни англаб боради, дедик. Бироқ унинг маънавий дунёсида ёлғонга ундайдиган фазилатлар ва иллатлар қолаверади. Дарвоқе, ёлғонга ундайдиган фазилатлар ҳам мавжуд. Масалан, раҳм-шафқат айрим ҳолларда инсонни ёлғон гапиришга мажбур қилади. Бедаво дардга чалинган биродаримизни йўқлаб борамиз. Аҳволи нечоғли аянчлик бўлмасин, "Кўринишинг яхши, Худо ҳоҳласа, кўрмагандек бўлиб кетасан," — деймиз. Бутун умри давомида фақат ҳақ сўзни айтишни тарғиб қилиб келган ҳақиқатгўй зотнинг ҳам ўзга гапга тили айланмайди.

Андиша ҳам ёлғон гапиртиради. Андиша қурсин, унисига ўзимизни ишонгандек, бунисига қойил қолгандек, наригисига ҳайратга тушгандек қилиб ёлғон гапирамиз.

Лекин аксарият ҳолларда ёлғон инсон маънавий дунёсида яшириниб ётган иллатлар билан боғлиқ бўлади. Ана шундай иллатларнинг энг биринчиси илмсизликдир. Илмсизлик объектнинг асл моҳиятидан бехабарликда намоён бўлади. Бу эса воқеликни нотўғри талқин қилишга, энг ёмони онгли равишда бузиб кўрсатишга сабаб бўлади. Афсусланарлиси шундаки, илмсиз киши ўз касбининг ҳам туб моҳиятларини билмайди, аксарият ҳолларда ўз касбига "нон келтирувчи омил" сифатида муносабатда бўлади. Касбдан бехабарлик уни не кўчаларга етакламайди, дейсиз. Илмсизликни, бехабарликни ёпиш онгли равишда кўп ва хўп ёлғон гапиришга мажбурлайди. Бундай тақдир охир-оқибатда кишини обрў-эътибордан, эл назаридан мосуво қилади. Донишманднинг: "Энг катта бахтсизлик — илмсизликдир" деган хулосаси замирида шу маъно ҳам ётган бўлса, ажаб эмас.

Ёлғонга элтувчи иккинчи омил қўрқувдир. Қўрқув инсоният тонгидан бери унга ҳамроҳ бўлиб келаётган туйғулардан. Ҳамма ҳам нимадандир, қай ҳолатдадир қўрқади — бу табиий ҳол. Ботир деганимиз қўрқмас деганимиз эмас, у қўрққанида ҳам ўзини назорат остида сақлай билади, холос. Шу нуқтаи назардан фикрлаганда, қўрқув ҳамиша ҳам иллат эмас. Ўз фарзандининг тақдири учун қўрқиш, Ватан манфаати учун қўрқиш, ҳақ Таоллодан қўрқиш — бу бошқа масала.

Бироқ айрим вазиятларда қўрқув нақ иллатга айланадиқолади. Масалан, қўрқувни биз таҳлил қилаётган мавзу контекстида олайлик. Болалигида ота-онасидан қўрққанидан ҳақиқатни яширган бола аста-секинлик билан бошлиқдан қўрққанидан нотўғри маълумот беришга, вазиятнинг тескарисига айланиб кетишидан қўрққанидан ёлғон гапиришга одатланади. Кимнидир лавозимидан ажралиб қолишдан қўрқиш, кимнидир бошқалар назаридан қолишдан қўрқиш, яна кимнидир нонсиз қолишдан қўрқиш ёлғонга етаклайди.

Хулоса шуки инсон ўз бахтини, жамиятдаги ўрнини илми, инсоний фазилатлари орқали топади.

Санжар ЧОРИЕВ

ОЛИС ҚИШЛОҚ САДОСИ

ҒЎБДИНТОҒ

Ғўбдинтоғ, унинг мўъжизакор табиати, бағридаги наботат ва ҳайвонот олами ҳар қандай кишини мафтун этмасдан қолмайди.

* * *

Этаги бепоён адирлар... Ундан илгарироқда асрлар сукунатини шимиб қари тоғ ястаниб ётади.

Биз тарифини келтирмоқчи бўлган Ғўбдинтоғ, айниқса, баҳорда кўркамлашиб кетади. Ваҳимали чўққилари баҳорги кўкбахмал чопонини кийиб, шимолдан эсаётган Илонўтди шамолининг ўзанини қуйи Зарафшонга буриб, кўклам офтобининг илиқ ва нимжўш нурларида тобланиб, то кеч кузгача умргузаронлик қилади. Қоялар қўйнини қитиқлаб, шағирлаган чўққиларидаги қор қатламларидан эн олиб, пастдаги ёйилмалар сари Қуруқсой, Ингичкасой, Хожакабудсой, Катта Қорақасмоқсой, Бодбодсой каби сойлар қиш уйқусидан уйғонган танбал айиқ сингари чайқалиб-чайқалиб, тўлқин суриб келади. Пат булутлар қўноқлаган зангори фалакда кўклам билан трама (куз)да бир-бир кўриниб қоладиган турналар занжири халқа бўлиб айланади. Тешиктош беткайида қўй боқиб юрган қовурчини қотган болакай қадоқ қўлларини соябон қилиб, кўкдаги озод қушларнинг сирли рақсини ҳайратланиб кузатади. Арпалисойнинг қуншувоқ қиялигида жунининг увадаси чиқиб кетаёзган, қишки пўстинини энди ташлаётган бир қари тулки лўккилаб ўтиб қолади. Унинг устида тулки билан ўйнамоқчи бўлган икки қарға пастлаб-пастлаб, ғоҳида уни чўқилаб ўтмоқчидай салт ташлаб учади...

Хуллас, пастқам адирлардан бошланадиган Ғўбдинтоғда кўклам нафаси ҳар йили шундай кечади.

Ғўбдинтоғ — кўп кекса тоғ. Олимларнинг ёзишича, у полеозой даврининг қолдиғи. Мозийнинг сирли ва мавҳум қаъридa унинг минг йиллик тарихини инкишоф этувчи топилдиқлар чиқиши тайин. Боиси, тоғ теварагидаги бугун одам оёғи узилган Саройхона, Ғиштлитепа, Хонимқўрғон, Қоровултепа каби сайхонлик ва бўз ерларда учрайдиган уюм-уюм пишган ғишт парчалари, сопол синиқлари, дўппайиб турган тепаликларда ўтмишнинг сўзга сиғмас сукунати мужассам...

Тошкент — Самарқанд катта автомобиль йўлининг Ғаллаорол туманига кираверишда, ўнг томонда даштга туташ пастқам адирлар бошланади. Самарқандга яқинлашганингиз сайин қора-қура қирлар каттаяшиб, тоғ тусини олади. Жомбой туманига етгач, йўловчининг кўз ўнгида кунчиқарга тумшуқ тираб чўккалаётган улкан нортуя янглиғ қорамтир тоғ пайдо бўлади. Бу — минг йиллар шамолига кўкрак тутиб келаётган Ғўбдинтоғ бўлади!

Гирдини Самарқанднинг Булунғур, Жомбой, Пайариқ, Жиззахнинг Ғаллаорол туманлари ўраб туради. Табиати ва иқлими турфа хил.

Шарқи бошқа томонларига нисбатан қуруқ ва шамолли. Бу — Илонўтдидан эсадиган елвизакнинг таъсири бўлса керак. Бу ерда қишин-ёзин муттасил шабада эсиб туришига ҳам сабаб — шу. Шарқий кенгликларидан Жомбой тумани сарҳадларига қадар Тумшуқ, Эшмонтўб, Шувоқли, Мирзабулоқ, Қўнғирот, Ингичка, Бодбод, Бешкўтон каби бир нечта қишлоқлар тизилиб кетган.

Элимизнинг иқтисодий қувватига эн бўлиб келаётган баракали Маржонбулоқ кони ҳам тоғнинг шарқий тумшуғида.

Кунчиқар томони денгиз сатҳидан 856 метр баландликда. Оқарсувнинг танқислиги ҳам шундан. Ангарлари лалмикор. Боғдорчилик ва бошқа экин-тикинлар қудуқ суви билан суғорилади. Тоғ ариқлари тўлалигича дашт бўғизига етиб келмайди.

Ғарбининг об-ҳавоси бироз ўзгача. Иқлими юмшоқ — намчил, шамоли кам. Қуйисидаги адирларнинг асосий қисми сувли. Тоғ ёнбағри бўйлаб Булунғур канали, Мирзаариқ анҳори, сал пастроқдан Зарафшон дарёсидан сув оладиган майда ариқлар оқиб ўтади. Ғарбий-жанубида машҳур аллома Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи жойлашган. Кўпминг йиллик "Кўктепа" ёдгорлиги ҳам тоғнинг шимоли-ғарбига яқин.

Шимоли шарқига нисбатан қуруқ ва сершамол. Тоғ зиги билан Кешкобуд, Оболим, Чақа, Ғўбдин, Хитоюзи, Солин, Туёқли, Дувл, Нақрач қишлоқлари тизмаси жойлашган. Ундан сал шимолроқда — Зармитанга чиқишда Гулчамбар, Шўрча, Жума, Чўмичли каби бир нечта қишлоқларни кесиб Қорасув сойи оқади. Қорасувнинг охири Пайариқ туманигача боради.

Ғўбиннинг жануби ҳам сувли. Зарафшондан сув оладиган Туятортар каналининг бир нечта тармоқлари тоғнинг жанубий қияликлари теграсини обод қилиб ўтади, ҳарорати шарқига қараганда анча юмшоқ. Ери файзли. Деҳқончилик ва боғдорчиликка қулай.



Тоғ-тоғида Ғўбдинтоғнинг кунчиқарида ғалати тентакшамол туриб қолади. Буни Бекобод ёки Афғон шамолига қиёслаб бўлмайди. Аввали шуки, бу тўполон ҳар тўрт фаслда, одамнинг хаёлига келмаган пайтда уйғониб кетаверади. Шунинг дастидан Тошкент — Самарқанд катта автомобиль йўлидаги "юқори нуқта"да қиш кезлари кўзни очирмайдиган изғирин ва отни кўмгудай ургунлар ҳосил бўлади. Бунақа бўронларнинг танобини ҳайдовчилар жуда яхши билади. У Қашқадарёдан бўладими, Хоразмданми ёки сўлим Фарғонанинг хушҳаво гўшаларидами бу йўлларда кўп юрарли бўлса, албатта, бетийиқ табиатнинг зарбаларидан татиб кўрган... Шунинг учунми, тоғнинг ҳайвонот дунёси, ўсимликлари анчайин сербардош турлардан иборат. Масалан: ёввойи жониворлардан бўри, силовсин, чиябўри, тулки, жайра, бўрсиқларга кўзингиз тушса, жанговар қушлардан бургут, қирғий, лочин, укки, қарчиғай, нозиктаъб хилларидан каклик, тувалоқ, қорабовурдоқ, беданаларни онда-сонда учратиб қоласиз. Баҳор кезлари даштосмонида ҳар қаноти икки қулоч келадиган тасқаралар ҳам сузиб қолишади. Уларнинг асосий емаги адирлардаги чакалакзорларни ўйиб яшайдиган тўқишоёқ товушқонлардир.

Ғўбдинтоғ пичанзорларида қўнғирбош, қўзиқулоқ, қизилмия, бўзтикан, ширач, туяқорин, елкасар, янтоқ, так-так, ёввойи беда, оқуврай, сигирқуйруқ, шувоқ ва ковракка ўхшаш сувсизликка чидамли ўт-ўлан бисёр. Қўклам кезлари уларнинг сирли жилоси, ўткинчи лаҳзаларни безаб турувчи гулу ғунчалари ҳар қандай кишини-да энтиктириб юборади.

Тоғ ичкариси бўйлаб кийикўт, андиз, равоч, бодом, писта, тоғ олча, тоғ жийда, ёввойи олма, дўлана, қатрон, ёнғоқ, жинғил сингари халқ қадрлайдиган, ўзларича қадим табобатнинг томири ва минг дарднинг давоси деб биладиган ноёб ўсимликлар бор.

* * *

Ҳар жойнинг ўз ажойиботлари бўлади деганларидек, Ғўбдинтоғда ҳам бошқа ҳудудларда учрамайдиган ғаройиб манзилу маконлар бисёр. Шулардан бири Жийдалисой чўққисидаги Тошқозондир. Унинг мўъжизаси шуки, чўққи тик қоялардан иборат бўлиб, энг юқори қисми бамисоли бульдозер билан сурилгандек, ҳудуди кичикроқ футбол майдони каби келади. Ери тептекис. Ўртада сув устида чайқалиб турган нилуфаргул сингари Тошқозон (қозон шаклидаги, ичи ўйиқ ёмби тош ичида жойлашган чашма) омонатгина турганга ўхшайди. Баландлиги бир одам бўйининг салкам ярми баравари. Умумий саҳни 3 метр квадратлар атрофида. Ички қисмида — қозон тубида учта булоғи бор. Қишин-ёзин биқирлаб қайнаб ётади. У ёввойи йилқиларнинг сувлайдиган манзили. Бошқа жониворларнинг сув ичишга бўйи етмайди. Ҳайратланарлиси, чашма қуриб қолмайди, сув кўпайиб-тошиб, қозон лабидан оқиб ҳам тушмайди; доимо бир зайлда — қозон саҳни бўйлаб кил-киллаб туради.

Яна бир мўъжизакор манзил — Қуруқсой дарасидаги Каттасув ариғи лабида жойлашган қиялама тошларда акс этган от изларидир. Даранинг шимоли-шарқидан оқиб тушган, баайни ердан "ўсиб чиққан" улкан тош қоянинг Каттасув гирдига ёндош қисмида 5 та от туёғи изи "муҳрланган". Ҳар бир туёқ ўрни алоҳида-алоҳида ва аниқ, шунингдек, ҳаракатланаётган йилқининг изларига ўхшаш — жуфт-жуфт ҳолатда бир-бирига ёндош жойлашган. Фақат охиргиси (сувга яқинроғи)нинг жуфти йўқ. Излар ялпоқ тош устида яққол кўриниб туради, дастлабки жуфтлик бошқаларига нисбатан ботиқ ва чуқурроқ. Кейингисининг ўрни саёзроқ ва туёқларнинг думалоқлиги ҳам "бузилган". Охиргиси, яъни жуфтсиз туёқ изи анчайин хира тортиб қолган. Кимдир буни бир пайтлар чўпончўлиқлар зерикканидан чекишган деса, кимдир халифа Алининг афсонавий тулпорники дейди.

Айтишларича, XX асрнинг бошларига қадар тоғнинг серқоя сойларидан бирида ичига 20-30 отлиқ сиғадиган ғор бўлган. Раҳматли амаким Усан бобонинг гапига кўра, ўтган аср бошидаги ур-йиқитлар пайтида қишлоқ одамлари хотин-халажларини шу ерга яширишган. Лекин кейинги замонлардаги табиий ўпирилишлар натижасида оғзи бекилиб (ҳозир ўрнини аниқлашнинг имкони йўқ) қолган.

Хуллас, шу ерликларнинг наздида бу ажиб ўлка ва унинг кўкайи бўлмиш Ғўбдинтоғ асрлар силсиласи, мангулик изи, боқийлик қўшиғи бўлиб келаётир.

* * *

Олисдан — қуёш нури илк бор нишаблайдиган Ойқорнинг серваҳм чўққиларидан яна момо офтоб "бош кўтариб" келади. Зум ўтмай унинг нурлари Бахмал тоғига юзма-юз турган Ғўбдинтоғ адирларининг кўпчиб ётган баҳорги шудгорларига сингиб, сахро сароби янглиғ тўлқин-тўлқин буғ кўтаради. Илонўтдидан эсаётган шабада қияламаларда шиғил бўлиб ўсаётган шувоқларнинг тебранишларини қиблага буриб, денгиз тўлқинлари каби мавж ҳосил қилиб ўтади...

Тулки билан қарғаларнинг томошасини кузатиб турган болакайнинг димоғига тобланаётган ланж тупроқ билан шувоқнинг димоқёрар омухта ҳиди урилади. Болакай худди еру кўкка сиғмаётган қулун сингари шаталоқ отиб Арпалисойнинг қоратош чўққиси ошувига қараб чопади. У нимага ва нима учун чопаётганини билмайди. Айни лаҳзада у қалбининг туб-тубини қитиқлаб ўтаётган сирли ҳислларнинг оғушида маст. Бу — ҳар кимнинг кўнгил қатида такрорланиб турадиган ва киши идрок этиши, кўнгил очиб бировга айта олиши қийин бўлган туйғу!

У ҳансираб чўққининг белигача кўтарилади. Шаҳдига териси торлик қилаётган ўспирин бундан-да баланд манзилларни забт этишни хоҳлайди. Бироқ унинг шу тобдаги қудрати чўққининг белигача етади, холос!

У қўтир қоянинг улкан харсангига чиқиб, қалбини жунбушга келтирган сирли туйғуларни қўшиққа кўчиради. Ва олисдаги қишлоқларга, бепоён кенгликларга, рўпарасидаги тоғ ўркачларига қараб, ўзи идрок этмаган ҳолда мана бундай куйлайди:

Сен агар бўйдойбошоқ бўлсанг,
сомонингман ВАТАН,
То абад бошинг омон бўлсин,
товонингман ВАТАН!

Анвар СУЮНОВ,
журналист

СПОРТ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда 8-10 октябрь кунлари таэквондо "пумсе" бўйича V жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF), Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган чемпионатда дунёнинг олтмишга яқин мамлакатидан келган тўрт юз элликдан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақа ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида яккалик, жуфтлик ва жамоавий "пумсе" – комплекс машқларни бажариш бўйича ўтказилди. Унда спортчилар 28 олтин, 28 кумуш, 56 бронза, жами 112 медаль учун кураш олиб борди.

Тошкент шаҳри мезбонлик қилган таэквондо "пумсе" бўйича V жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини йигирма бир нафар спортчи ҳимоя қилди. Терма жамоамиз аъзоларидан Алла Таранова фахрийлар ўртасидаги яккалик беллашувларида иккинчи ўринни эгаллади. Катталар ўртасидаги жуфтликлар баҳсларида Осиё чемпионати совриндори Александр Ли ва Ирина Дергач дуэти ҳам жамоамиз ҳисобига иккинчи кумуш медални қўшди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари – Александр Лим, Михаил Афиногенов ва Александр Ни жамоавий "пумсе" бўйича бронза медални қўлга киритди.

Жаҳон чемпионати давомида истеъдодли ёш спортчиларимизнинг чиқишлари ҳам мухлису мутахассисларга манзур бўлди. 16 ёшли Зафар Сатторов ўсмирлар ўртасидаги мусобақада учинчи ўринни эгаллади.

КАРОЛИН ВОЗНЯЦКИ ҒОЛИБ

Пекинда ўтказилган нуфузли теннис турнирида даниялик спортчи Каролин Возняцки ғолибликни қўлга киритиб, WTA рейтингида биринчиликни эгаллади. У финалда россиялик теннисчи Вера Звонарева билан куч синашди. Ўйин бошиданоқ Возняцки ташаббусни қўлига олиб, биринчи сетда 6:3 ҳисобига эришди. Иккинчи сет эса Звонарева фойдасига ҳал бўлди. Ўйин тақдири ҳал бўладиган учинчи сетда Каролин Возняцки ғалаба қозонди. Шундай қилиб, WTA рейтингида иккинчи ўринни С.Уильямс, учинчи ўринни В.Звонарева эгаллашди.

ГУУС ХИДДИНКНИНГ НИЯТИ

Туркия терма жамоасининг амалдаги бош мураббийи Гуус Хиддинк 2014 йили Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатидан сўнг мураббийлик фаолиятини якунлаш ниятида эканини маълум қилди. Агар ушбу мусобақада Туркия терма жамоаси иштирок этса, бу мураббийнинг сўнгги жамоаси бўлиши аниқ. «Мен Туркия терма жамоасини жаҳон чемпионатига олиб чиқишни истайман. Айнан шу натижа билан уларнинг тарихида из қолдириш ниятидаман. Мусобақадан кейин мураббийлик фаолиятимни тўхтатмоқчиман. Менимча, ўрнимни бошқалар учун бўшатиб берадиган вақт келиб қолди», дея мураббийнинг сўзларидан иқтибос келтирмоқда NTV Sport.

ЯНА БИР ТУРНИР

Халқаро бокс федерацияси IBF йўналиши бўйича турнир ташкил этиш ниятида. Турнир ғолиби жаҳон чемпиони Владимир Кличко билан куч синашади. Россиялик боксчи Денис Бойцов, франциялик Жан-Марк Мормек, америкалик Джонатан Бэнкс, украиналик Александр Дмитренколар ҳам ушбу турнирда иштирок этиш ниятини билдирди. Виталий Кличко эса яна бир бора Владимирга муносиб рақиб йўқлигини таъкидлади.

Лобар РАҲИМЖОНОВА тайёрлади

Таълим ва тарбия ҳақида

Ота-оналар фарзандларининг одобли, ахлоқли бўлиб ўсиб-унишлари учун ўқитувчиларнинг ёрдамига муҳтождирлар. Муаллим маънавий ота, муаллима эса маънавий она ҳукмиладир. Бу муҳтарам ота-оналар маънавий фарзандлари бўлган ўқувчиларни тарбиялаб, уларнинг ақл, фикр-идрокларини ўстиришга, одоб-ахлоқларини камолга етказишга ғайрат қиладилар, маънавий фарзандларини мукаммал бир инсон этиш учун бутун кучларини сарф қиладилар. Шунинг учун ўқитувчилар ҳурматга, қилган хизматлари тақдир ва таҳсинга сазовордир.

Ўқитувчилар мактабда ёки одамлар орасида ўзларини қандай тутишлари, ўқувчиларга қандай муомалада бўлишлари лозим? Аввало, ўқитувчиларнинг ўзлари одоб-ахлоқда ўқувчиларга намуна бўлишлари лозим. Таълим ва тарбиянинг қонун-қоидаларига биноан, ўқитувчи очиқ юзли, ширин сўзли, ҳалим, мутавозе бўлиши шартдир. Ўқувчиларга қўрслик билан муомала қилиш, уларнинг иззат-нафсларига тегиш таълим ва тарбия нуқтаи назаридан тўғри эмас. Ўқитувчилардан таълим-тарбиянинг енгилдан оғирга, маълумдан мажҳулга, яқиндан узоққа деган қоидаларига асосланиб дарс беришлари талаб қилинади. Ҳар ўқитувчи ўз шогирдининг руҳий ҳолатларини синчиклаб ўрганиши лозимдир.

Ҳақиқий муаллим ва муаллималар тарбиясини олган ўқувчилардан олим ва фозил одамлар етишади.

"Оз-оз ўрганиб доно бўлур" китобидан.

БАДИА

КУЗ ОҲАНГЛАРИ

Куз мавсумида ҳикмат бор. Баҳор палласининг нафосат ва жўшқинлиги ёзнинг қайноқ ҳароратига қориша-қориша ҳикматга айланганга ўхшайди. Ишқ вужудни қуйдирганидек, Бобо қуёш борлиқни тоблаб, ўз донишмандлигини кўз-кўз этади. Ахир, майин оқ пушти шафтоли гулининг ҳил-ҳил пишиб, шарбат тўла мевага айланишининг ўзи бўладими? Бу пайтда чуқур илдизга туташ новдага илинган меванинг "жони" балки юз эшилиб, юз тўлғонар... Шу боис куз бироз дилгир, бироз ҳорғин жилмаяди одамларга...Унинг сукунат тўла нигоҳларидан меҳр-муҳаббат, вазминлик ва ўзгача тароват ёғилади. Улар шунчалар фусункор, шунчалар донишоноки! Демак, мавсум деб атайдиганимиз вақт ҳам қуёш тафтида тоблана-тоблана етилар экан-да! Худди Ишқ инсонни юксалтирганидек!

Мен ана шунинг учун кузни яхши кўраман. Менга ҳаётнинг илк покиза баҳорий туйғуларини ўз бағрида улғайтирган ёздан кўра куз ёқади. Чунки ёз бағрида машаққат, куз этагида рукуга эгилган серҳосил новдалардек фидойилик бисёр... Ҳа, топдим! Куз — фидойилик тимсоли! Замин бироз уйқуга кетиб, тин олиш пайти — қиш мавсуми олдидан борлиққа, унинг шоҳи саналмиш инсоннинг оёқлари остига йил мобайнида етиштирган маҳсулини тўкади, ўзини фидо этади! У аслида шунинг учун яралмаганмиди?.. Куз баҳоройнинг нафосату жўшқинлигидан ҳомиладор бўлган заминга доялик қилмадими?!. Ҳар йили шундай, аммо ҳар йили ўзига хос!

Гўё тўлғоқ дардидан қутулган она ором уйқусига чўмганидек, борлиқ ҳам оҳисталик билан оппоқ қорли тўшакка бош қўймоқ тараддудига тушади. Бирпасгина... Яна қайтадан яралиш, яратиш, фидойиликка киришмоқ учун. Ҳар йили шундай... аммо ҳар йили ўзига хос!

Негадир ҳар галги куз фасли умримнинг кузи ҳақида ўйлашга ундайверади. Умр кузи куннинг намозшом гуллари очиладиган шом пайтига қиёсдир. Менинг ҳам ҳар баргида олам, гўзаллик, ишқ дардлари битилган ҳаёт гулларим умрим кузида очилсайди...

Мамлакат НОРМУРОДОВА

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Матёқуб НАРЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.15

® — тижорат белгиси.

Адади: 8894 Буюртма — Г-926 1 2 3 5